Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 15 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

№ 60 (5656).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Қарор ва ижро

МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Республика ўқувчи ёшларига ва мутахассисларига чет тилларни кенг кўламда ўқитиш системасини такомиллаштиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги қарори вилоятимиздаги 648 та мактабнинг барча чет тили ўқитувчиларини беҳад хурсанд қилди. Бу қарор, албатта, чет тили ўқитувчиларига катта масъулият юклайди.

Қарорга жавобан вилоятимиздаги баъзи ноҳия ва шаҳар халқ таълими ходимлари ҳамда чет тили ўқитувчилари ўтган ўқув йилиданоқ ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Бунга Андижон, Асака, Шаҳрихон шаҳарларида, Қўрғонтепа районида чет тили бўйича чуқурлаштирилган синфларнинг ташкил этилиши мисол бўла олади. Бундан ташқари, Қўрғонтепа районидаги 1, 17, 35-мактабларда ота-оналарнинг шахсий аризаларига асосан репетиторларнинг ишлаётгани, Комсомолобод районидаги 5-мактабда, Булоқбоши районидаги 16-мактабда, Жалолқудуқ районидаги 3, 19, 30-мактабларда иқтидорли группалар ташкил этишнинг режалаштирилиши, Советободдаги ўқувчилар уйи қошида «Ёшлар ижодий маркази»нинг ташкил қилинганлиги муҳим янгиликлардан бўлди.

«Ёшлар ижодий маркази» директори, филология фанлари номзоди Собиржон Солижоновнинг ташаббуси билан ташкил этилган ритмопедия тўгараги таҳсинга сазовордир. Бу ерда чет тили кабинети замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Шунингдек, марказдаги кўзланган режалар ҳам улкан. Бу ерда ҳозирги кунларда рус миллатига мансуб бўлган кишиларга ўзбек тилини ўргатадиган ва олий ўқув юртларига кирадиган ўқувчиларни тайёрлов группалари ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Келгусида «Ёшлар ижодий маркази» Андижондаги олий ўқув юрти негизида ташкил этилган тил ўрганиш марказининг филиали бўлиб қолиши мумкин.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, чет тилларга эътибор берилган ҳозирги пайтда вилоятимиздаги умумтаълим ўрта мактабларининг кўпчилик юқори синфларида чет тилларнинг ўқитилиш аҳволининг яхши эмаслиги барчамизни ташвишга солаётир. Бу муаммо чет тиллар кабинети ходимлари ташаббуси билан ўтказилган вилоятимиздаги барча илғор, тажрибали чет тили ўқитувчилари ва методистларининг давра суҳбатида ҳам алоҳида таъкидланди.

Мактабларда чет тилларни ўқитилишини яхшилашнинг муҳим омилларидан яна бири район ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ихтиёридаги чет тиллар бўйича методистлар сонини кўпайтиришдир. Чунки мавжуд 22 та район ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ихтиёридаги 648 та мактабга 11 методист озлик қилади. Бу тўғрида район ва шаҳар халқ таълими бўлимлари мудирлари ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Х. ЮНУСОВ,
Андижон ўқитувчилар малакасини ошириш институти чет тиллар кабинетининг методисти.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

Яккасарой районн халқ таълими бўлими мудири Ўткир Мирзажонов, янги ўқув йилига шаймисизлар, деган саволимизга камтарлик билан — умуман олганда, ишлар яхши кетаяпти, — деб жавоб берди. Ва, гапи қуруқ бўлмаслиги учун, мисоллар келтирди:

— 25, 43, 73, 100, 118-ва яна бир қатор мактаблар эртагаёқ ўқувчиларни қабул қилиши мумкин. 89, 172-мактабларда таъмирлаш қизғин давом этмоқда. Унинг тугалланиши 10 августга мўлжалланаяпти. Яккасарой район ҳокимияти бу каби ишларнинг боришини доимий назорат остига олган. Вақти-вақти билан ўқув биноларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича тузилган штаб аъзолари кенгашиб туришади.

Мактаб таъмирининг қанчалик аҳамият касб этишини англаган маҳалла қўмиталари, оталиқ ташкилотлари ҳам қўл қовуштириб туришмаяпти. 135-мактабга «Узстальконструкция» бирлашмаси 10 минг, 2502-автоколонна 176-мактабга 55 минг, 48-мактабга ёғочни қайта ишлайдиган завод 50 минг сўм ажратишди. 91, 78-мактабларнинг оталиқ ташкилотлари ҳиммати ҳам баланд бўлди. Улар 50 минг сўм пул ҳамда камёб қурилиш материаллари билан ёрдам қилишмоқда.

Мухбиримиз.

Тасвирда: илм масканлари таъмири жараёнидан лавҳалар.

А. БОБОЖОНОВ суратлари.

МАДАД УЧУН ТАШАККУР!

ЕТИЛГАН МУАММОЛАР ҲАҚИДА МАКТУБЛАР

ТАРБИЯДА УЗИЛМАС ЗАНЖИР КЕРАК

Ҳозирги кунда тарихий жараёнларни бошдан кечирмоқдамиз. Худди шундай бир тарихий даврда мактаб, оила ва жамоатчилик қўл қовуштириб турмаслиги, ёшлар тарбияси — келажак ташвиши эканлигини унутмаслик зарур. Иккинчидан, давримиз характери, бир неча партиялик замонаси бошлангани, Ўзбекистон мустақил бўлишининг тарихий аҳамиятини, хусусий мулкчиликка ўтишнинг қонунийлиги моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилади. Агар хусусий мулкчиликка ўтилса, масъулият, жавобгарлик, асраб-авайлаш, тежамкорлик, сифат учун кураш, ибрат бўлиш учун интилиш кучаяди.

Хуллас, оила, мактаб, жамоатчилик йиғилиб даврнинг долзарб масалалари ҳақида фикр юритиш пайти келди. Муаммолар, қийинчиликлар жуда кўп. Уларни таҳлил этишга мактаб ҳам, ота-оналар ҳам, жамоатчилик ҳам биргаликда, аҳиллик билан киришмоғи керак. Осмондан бекордан-бекорга чалпак ёғилмайди, деган гап бор. Дадил изланишлар зарур бўлиб қолди. Вақтни қўлдан бой бермай, янги ҳодисалар, янги жараёнларга сезгирлик билан қараб, ижодий-танқидий муносабатда бўлиш айни муддаодир. Зотан, лоқайдлик тарбия ишида ўз моҳиятини бир кун кўрсатади.

Мактабларни кузатиш шуни кўрсатадики, айрим жойларда ота-оналар билан мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳозирги давр талабларига етарли жавоб бера олмаётир. Баъзи ота-оналар «банд»лиги (вақти йўқлиги) ёки бундай йиғилишларга боришга мажбур эмаслигини назарда тутиб, мактабларда бўладиган ота-оналар йиғилишларида онда-сонда кўринадилар. Таълим-тарбия фақат мактаб ишидек бўлиб қолган. Шунинг учун мен ота-оналарнинг болалари ўқиётган мактаб билан ҳамкорлигини мажбурий тусга киритиш тарафдориман. Акс ҳолда айрим ота-оналар жиноят содир этилганидан кейингина боласини жавобгарликдан қутқариши учун, «нима кетса кетсин, шу балодан асраб қолай» деб югур-югури давом этаверади. Натижада таниш-билишлик, порахўрлик ва бошқа йўлларга туйнук очилганича қолаверади. Буни содир этилаётган жиноятлар ҳақидаги матбуотда берилаётган ахборотлардан ҳам билиб турибмиз. Масалан, «Пойтахт шаҳар азим Тошкентда балоғатга етмаганлар томонидан 1988 йили 1086 марта, 1989 йили 1285 марта, 1990 йили эса 1914 марта жиноят содир этилган. 1990 йили содир этилган 1914 та жиноятнинг қарийб бешдан бир қисми мактаб ўқувчилари ҳиссасига тўғри келади». («Ишонч» рўзномаси, 1991 йил 31 декабрь).

Майда ўғрилик, йўлтўсарлик, бузғунчилик, нашавандлик каби иллатларнинг олдини олиш лозим. Акс ҳолда келажакда сўзсиз ҳозирги давр зиёлиларини айблашади. Бундай нохуш ҳодисаларнинг рўй беришига асосий сабабларидан бири айрим ота-оналарнинг бепарволигидир. Баъзи кишиларнинг: «Жиноят содир этгани учун болани эмас, балки ота-онасини жавобгарликка тортиш керак», деган гаплари бежиз айтилаётгани йўқ. Бу гапда жон бор. Шу туфайли, келинг, ота-она ҳам, бола ҳам жабр кўрмасин, ҳар қандай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ниҳоятда муҳимдир. Мана шунинг учун ҳам биз қуйидагиларни муҳокама учун таклиф этмоқчимиз:

1. Боласи ўқиётган мактабга ё ота, ё она, ёки уларнинг ўрнини босувчи бирор кимсанинг таклиф қоғозига асосан ота-оналар йиғилишига иштирок этиши шарт, акс ҳолда узрсиз сабаблар билан иштирок этмаган ота-онага чора кўриш, бунинг учун район, шаҳар ҳокимлари маҳкамаларида ота-оналар билан ишлаш бўлими ташкил этилиб, уларни дастлаб огоҳлантириш, кейин жарима солиш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун шу масала бўйича бирор фармон ёки қонун чиқариш зарурга ўхшайди. Шундагина ота-оналарда ҳам, мактаб раҳбарияти учун ҳам, район, шаҳар раҳбарияти учун ҳам ҳудуддаги тарбия аҳволи учун жавобгарлик ҳисси кучаяди. Акс ҳолда сансоларлик давом этаверади.

2. Мактабларда ўқувчиларни турли жойларга экскурсияларга олиб боришда имконияти борича ота-оналардан бирортаси иштирокида уюштириш ҳам маъқул бўлар. Бу соҳада айрим тажрибалар бор. Масалан, Қарши шаҳар кашшофлар уйидаги ўлкашунослик тўгараги раҳбари Марям Мирзаева Самарқанд, Бухоро, Тошкент, ҳатто Россия шаҳарларига бир неча йиллардан бери тўгарак аъзоларини ота-оналари билан биргаликда экскурсияларга олиб бориб келмоқда. Бу ҳам оила билан мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб қолиши керак. «Бундай тажрибанинг аҳамияти катта экан, — дейди биз билан суҳбатда Марям Мирзаева, — аввало, биргаликда томошада бўлганлари учун ота-она ҳам, ўқувчилар ҳам хурсанд. Иккинчидан, биз учун ҳам қулайлиги шуки, ота-она боласи билан бирга бўлса, сайрда турли кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинади ҳамда тартиб-интизом сақланади. Шу туфайли мен сайрларда ота-оналар иштирокига алоҳида эътибор бераман».

3. Мактабда ота-оналар йиғилишида синф раҳбарининг ҳисобот бериши, ота-оналар шаънига боласининг айрим ножўя ишлари учун таналар айтиш, ота-оналар вазифаларини таъкидлаш билан шуғулланиб қолмай, балки намунали ҳулққа эга бўлган болаларнинг ота-оналарини рағбатлантириш йўлларини излаш лозим. Масалан, «Тарбиядаги хизматлари учун» нишонини таъсис этиб, шу нишон билан мукофотлаш даркор. Улар тажрибасини радио, телевидение, матбуот орқали кенг ёйиш; ота-оналар йиғилишларига ишлаб чиқариш ветеранларини, пенсионерларни, шаҳар, район ва вилоят раҳбарлари вакилларининг иштирокига эришиш, муаммоларни биргаликда муҳокама этиш зарур.

4. Синф раҳбарлари маошини кескин ошириш улар масъулиятини кучайтирган бўлар эди. Ҳозирги ҳолатда эса синф раҳбарларининг ўқув нагрузкалари кўп. Чунки бозор иқтисодиёти даврида бу зарур. Бундай ҳолда синф раҳбарининг маошини 2—3 баравар ошириб, ўқув нагрузкасини камайтирилиши тарбия ишини кучайтириш учун имконият яратади.

5. Район, шаҳар ҳокимлари ҳар бир ўқув йилида камида икки марта ўз депутатлар йиғилишларида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг боришини кун тартибида алоҳида масала қилиб махсус кўриб чиқиши, улар чуқур таҳлил этилиши, натижаларини матбуотда эълон қилиш мақсадга мувофиқдир.

6. Телевидение ходимлари мактаблардаги ота-оналар йиғилишларининг боришини тез-тез олиб кўрсатсалар, шунга доир бевосита мулоқот уюштирсалар, у ҳақда кўпроқ кинофильмлар яратилса, тарбия ишида муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, тарбия учун маблағни аямаслик зарур. «Оила, мактаб ва жамоатчиликнинг таълим-тарбия бўйича ҳамкорлиги» дастури яратилиб, унда миллий, диний-ахлоқий тарбияга кенг ўрин ажратилиши айни муддао бўлар эди. Ахлоқ-одоб борасида хатоларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ! Оила, мактаб ва жамоатчилик ўртасида «хитой девори» бордек туюлади, уни қуратиш, улар орасида узилмас занжир ясаш, болага бола деб эмас, бўлажак арбоб, олим, устоз, бизнинг мустақиллик учун бошлаган буюк ишимизни давом этказувчилар деб қарамоғимиз зарур!

Байт ТУРДИЕВ,
Гулистон давлат дорилфунуни доценти.

ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Халқ ўқитувчиси Марям Ёқубовани республикамиз педагоглари моҳир мураббия, севимли устоз сифатида яхши билишади. У узоқ йиллар мобайнида Урганчдаги болалар махсус мактаб-интернатида директорлик лавозимида меҳнат қилди.

Яқинда Хоразм вилоятидаги Огаҳий номли мусиқали драма театрида таниқли педагогнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар опанинг ҳаёт йўли, педагоглик истеъдоди, болалар тарбиясига қўшган ҳиссаси ҳақида мулоҳаза билдирдилар.

Мухбиримиз.

АВЛОНИЙНИ ХОТИРЛАБ

Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида А. Авлоний ҳаёти ва ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Йиғилганлар А. Авлонийнинг педагогик маҳорати, унинг ўзбек вақтли матбуотидаги ўрни ва драматурглик фаолияти хусусида сўз юритдилар. Айниқса, адибнинг қизи, филология фанлари номзоди Ҳ. Авлонованинг отаси ҳақидаги хотиралари кўпчиликни ҳаяжонлантирди.

Н. ТУРАЕВ.

Экологик тарбия муаммолари

ИЛК ҚАДАМЛАР

Бугунги кунда атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини яхшилаш муаммолари кўпчиликни безовта қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Зотан, атроф-муҳитни гўзал, тоза, бой ҳолда келажак авлодларимизга яхши сақланган ҳолда етказмоғимиз лозим. Ер юзида ҳаёт давом этар экан, табиатимизда ёмон экологик манзара бўлмаслигини таъмин этиш бизнинг муқаддас вазифамиздир. Бундай мушкул вазифани адо этиш учун ҳар бир инсон маълум даражада экологик билим ва малакага эга бўлиши керак.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кейинги 10-15 йил ичида энг долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Табиатни ҳимоя қилишдаги экологик муаммолар ҳар бир районнинг ўзига хос бўлиб, шу жойда экологик таълим ва тарбиянинг ривожланиш тарихи бор. Масалан, ўзбек халқида, умуман Ўрта Осиё халқларида қадимдан отадан болага, авлоддан авлодга ўтиб келаётган жуда катта экологик удум, тарбия бор: дарахт ўтқазиш (айниқса, фарзанд дунёга келганда), атрофни кўкламзорлаштириш, бута, дарахтларни синдиришни гуноҳ деб билиш, қушларни уриб ўлдирмаслик, қалдирғоч, чумчуқ ва бошқа қушларни илон ва мушуклардан сақлаш, ҳовли, унинг атрофини сув сепиб тоза, салқин тутиш, йиғилган чиқиндиларни сувга ташламаслик, қийшайган дарахтларни тўғрилаб, тагини юмшатиб, унга сув қуйиш, пичанзорларга ўт қўймаслик, арилар уясини, чумолилар инини бузмаслик, қушларга уя қилиш, уларни қўлга ўргатиш, уйда асраш каби ажойиб анъаналар. Аммо бундай анъаналарга амал қилмаганимиз туфайли баъзи шаҳар, ноҳияларимизда экологик муҳит жуда танг ҳолатга тушиб қолди. Бунга Орол фожиаси яққол мисол бўла олади.

Экологик таълим ва тарбиянинг туб маъноси — табиат ва жамият ўртасидаги доимий ва уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ қилишдан иборатдир.

Экологик таълим ва тарбия — бу инсонни табиатга қадам қўйган вақтдан бошлаб бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланиш, халқимизнинг табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган яхши урф-одатлари, удумлари йўналишида тарбиялаш, табиий бойликларни кўпайтириш, боғу роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундашдан, унинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборатдир.

Ўзбекистон жумҳурияти раҳбарияти томонидан чиқарилган кўп қарорларда табиат муҳофазасига оид ишларни кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳамда бу соҳа бўйича мутахассисларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада тайёрлаш кўзда тутилади.

Келажакда етишиб чиқадиган турли соҳадаги эксперт-лар замонавий фанлардан маълумот оладилар, фан-техника ютуқлари билан танишадилар, боғча — мактаб — корхоналарда ишлаб чиқариш практикаларини ўтаб, ўзларининг амалий қобилиятларини оширадилар ва юқори даражали ёш мутахассислар бўлиб, табиат ва жамият қонунларини мукаммал ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ этиб, атроф-муҳит муҳофазасини ижобий ҳал этиб, гўзал ва кўркам табиатни, ундаги зилол сув, мусаффо ҳаво, тоза, табаррук тупроқни, рангбаранг ўсимлик оламини ва бой ҳайвонот дунёсини, битмас-туганмас ер усти ва ер ости бойликларини келажак авлодларга қолдиришга хизмат қиладилар. Бу билан хўжаликларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик барқарор ривожланишига асос яратилади.

Экологик таълим ва тарбиянинг мақсади инсонни табиат билан ва унда содир бўлаётган воқеалар билан қизиқтириш, инсон ва табиат ўртасидаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва ечиш йўлларини, чора-тадбирларини топиш юзасидан етарли экологик билимларга эга бўлган ҳолда атроф-муҳит муҳофазасини амалга оширишдан иборат.

Экологик таълим ва тарбияни олиб боришнинг асосий йўллари:

1. Ҳар хил ёшдаги болаларни махсус «Экологик таълим ва тарбия» ва «Табиат билан танишиш» каби дастурлар асосида тарбиялаш ҳамда турли ўйинлар воситаси билан табиатга оид экологик элементларини болалар онгига сингдириш керак.

2. Болаларда табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш борасида олиб бориладиган ишларни махсус методик қўлланмалар, тавсиялар, «Атрофимиздаги олам», «Атрофимиздаги табиат», «Табиатшунослик» каби ўқув-ўйин материаллари асосида оддий, содда ва тушунарли шаклларда олиб бориш лозим.

3. Болаларга атроф-муҳит борасида экологик таълим ва тарбия берадиган тарбиячи ва методистларнинг ўзлари махсус курсларни тамомлаган, тажрибали мутахассислар бўлишлари шарт.

4. «Экологик таълим ва тарбия услуби» дастури асосида қайта тайёрлаш курслари, лекциялар, тажриба алмашиш семинарлари ташкил қилиб, тарбиячиларнинг билим ва савияларини, ишлаш қобилиятини ошириш керак.

5. Болаларга улар мактабга биринчи келган кунидаёқ табиат тўғрисида тушунча бериш ва уни муҳофаза қилиш йўлларини ўргатиб бориш керак. «Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик» ўқув китоблари асосида «атроф-муҳит», «табиат», «атроф-муҳит муҳофазаси», «экология», «экологик зиддиятлар» каби тушунчалар, ботаника, зоология, адабиёт, кимё, физика ва, айниқса, умумий биология фанларини ўтишда алоҳида ўрин олиши лозим.

Ҳолбуки, экологик таълим ва тарбияни олиб боришда турли фанлар ўртасидаги боғланишдан узлуксиз фойдаланмасак, ҳақиқий муваффақиятга эришишимиз қийин. Масалан, табиатшунослик, ўлкашунослик, ер билими, ботаника, зоология, жуғрофия, биология, умумий биология каби фанлар бир-бирлари билан узвий боғланган. Уларнинг ҳар биридаги мавзуларни ўқитишда табиат ва унинг қонуниятлари очиб берилади. Физика, кимё, астрономия каби фанлар ҳам табиий воқеликларни тушунишда, ечишда катта аҳамиятга эгадир. Табиатнинг маълум жойидаги экологик бузилишлар (тупроқ, ҳаво, сувнинг заҳарланиши, ифлосланиши) саноат корхоналари, транспорт таъсирида юзага келиши, ифлос сувни тозалашни физикавий, кимёвий ва биологик йўллар билан амалга ошириш мумкинлигини ўқувчиларга етказиш шартдир.

Ундан ташқари, экологик таълим ва тарбиянинг аломатлари адабиётда, тарих, музикашунослик, санъатшунослик фанларида ҳам борлигини ўқитувчилар доим ёдда тутишлари даркор. Ҳазрат Навоий, Жомий, Лутфий, Фурқат, Муқимий, Умар Ҳайём, Ҳофиз, Абай, Р. Ҳамзатов, А. Пушкин, Б. Пастернак, Байрон кабиларнинг шеърларидан табиатга, унинг гуллари, оҳуларига бағишланган шеърларидан намуналар келтириш керак, Беҳзод миниатюралари, Куинджи, Шишкин ва бошқа расмчиларимизнинг асарларида ҳам табиатнинг турли кўринишлари ўз аксини топганлигини ўқувчилар эътиборига етказиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

ИЛК ҚАДАМЛАР

(Боши 1-бетда.)

Бизнингча, экологик билимга ҳамма мутахассислар эга бўлишлари ва амал этишлари шарт. Бу масалани бажаришда республикамизда анча-мунча иш қилинаяпти. Масалан, 1989-90 ўқув йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг табиёт- жуғрофия факультетида «Экология» ўқитувчилар группаси ташкил этилди. Бу группа ўқитувчилари институтнинг 10 дан ортиқ факультетларининг битирувчи курс студентларига 30 соатга мўлжалланган «Экологик таълим асослари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» курси материалларини олиб бордилар. Кузатишлар шуни кўрсатдики, студентлар дастлаб анча эътиборсиз бўлиб, кейинчалик, атроф-муҳитни ўрганиш, унинг ҳолатини билиш, тоза, муҳаффо ва гўзал манзарали ерда яшаш ҳамда ижод қилиш мароқли эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Экологик таълим асослари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш курсини ўтиш жуда жонланиб кетди.

Кейинги кунларда Республика халқ таълими вазирлиги болалар боғчалари, ўрта умумтаълим мактаблари, ўрта ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва олийгоҳларда экологик таълим ва тарбияни кучайтириш, турли фанларни ўқитишга янгича ёндошиш, ёшларимизнинг экологик онгини замонавий талаблар асосида шакллантириш, уларда атроф-муҳитга меҳр-муҳаббат уйғотиш ва табиатни муҳофаза қилишда фаол жонкуярларни тарбиялаш мақсадида Республика ўқув-методика маркази қошида экологик таълим ва тарбия бўйича илмий-методик кенгаш уюштирди.

Бу илмий-методик кенгашнинг асосий вазифалари экологик таълим-тарбия ва атроф-муҳит муҳофазасига оид ўқув дастурлари, режалари, методик қўлланмалар, ўқув қўлланмалари, дарсликларни ўрганиб чиқиб, одилона муҳокама қилиб, замон талабига жавоб берадиганларини нашрга тавсия қилиш бўлса, иккинчи томондан, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар, ўрта ва олий ўқув юртларида экологик таълим ва тарбия ишларини олиб боришни ўрганиш, фикр ва тажриба алмашиш, керакли ёрдам бериш йўлларини ишлаб чиқиш керак бўлса, учинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг табиий бойликларини сақлаш ва тежамкорлик билан фойдаланишга бутун ёшларни, кенг оммани сафарбар қилиш йўли билан келажак авлодга гўзал, бой, ранг-баранг табиатни қолдиришдан иборат.

И. САИДЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

А. ЭРГАШЕВ,
биология фанлари доктори, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг профессори.

ХОРИЖГА ТИЛ БИЛГАНЛАР БОРАДИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИНИНГ РЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МУХБИР АЪЗОСИ, ПРОФЕССОР АНВАР АЪЗАМХЎЖАЕВ БИЛАН СУҲБАТ.

— Домла, Туркия билан муносабатларимиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Республикамизда ҳам кўпчилик турк халқи урф-одатларию муҳитини ўрганишга аллақачон киришиб кетди. Институтда турк тилига муносабат қандай?

— Ҳозир Туркияга юбориш учун қўндузги бўлимнинг 2—3 ва қисман 4-курсларидан талабалар танлаяпмиз. Шарт-ҳеч оддий: талаба инглиз тилини билган ва яхши ўқиган, маҳаллий миллат вакили бўлмоғи лозим. Чунки у томошага кетаётгани йўқ, эртага ўқишни битиргач, Ўзбекистон учун хизмат қилиши керак. Бугунгача хорижга бориш учун талабалардан юздан ортиқ ариза тушди.

Талабаларга турк тилини яхши ўргатиш учун ўзбек тили кафедрасига шу тилни мукаммал биладиган мутахассисни таклиф этамиз. Кейин турк тилини махсус ўргатувчи бўлимлару тўгараклар очамиз. Мақсад — талабаларни ҳорижга бориб ўқишлари учун замин ҳозирлаш. Ўқитувчилар ва олимларимизни ҳам Туркияга ўқитиш тизимини ўзлаштириб келиш учун жўнатмоқчимиз. Албатта, бунга ҳам ишончни оқлаган, илмга ташна кишиларни юборамиз.

Илгари жилов Иттифоқ ихтиёрида эди. Шукрки, Президентимиз ва халқ жасорати билан мустақилликка эришдик. Энди ўқув-тарбиявий ишлару асосий масалаларни эркин ҳал этаяпмиз. Бу бизга қанчалик катта-катта масъулият юклашини тушунсангиз керак, албатта.

— Юқоридан туриб кўр-кўрона кўрсатмалар бериш йўқ энди, демоқчисиз-да.

— Ҳа. Бундан буён ҳар бир талаба, ўқитувчи-олим ўз давлати ҳуқуқи тарихини пухта ўрганади. Ҳозир давлат ҳуқуқи ва назарияси кафедраси янги дарслик ва адабиётлар устида иш олиб бораяпти. Яқинда мусулмон ҳуқуқи кафедрасини очдик. Чунки узоқ ўтмишимизни, давлатчилигимиз тарихини ўрганиш учун, албатта, мусулмон ҳуқуқи тарихию ва нормаларини пухта билиши зарур. Шу боис кафедра махсус режаю катта мақсадлар билан иш бошлади. Умуман эса, хорижий олий ўқув юртларида, хусусан Туркияда халқаро талабларга мувофиқ мутахассислар тайёрланади, ҳуқуқшунослик фанлари чуқур, аниқ ва лўнда ўргатилади. Уларнинг ишини пухта ўрганиб, ўқув-тарбия сифатини хориждагига яқинлаштиролсак, биз ҳам тортинмасдан уларга доимий равишда мутахассис юбориб, шартнома асосида улардан талабалар, олимлар қабул қилишимиз мумкин. Шу кунгача айрим мамлакатларга қутлуғ сафарлар қилинди. Яқинда доцент Алишер Болтаевни Лондонга (Ўрта Осиё республикалари давлати ва ҳуқуқини ўрганиш марказига) олти ойлик муддатга ўқишга юбордик. Ўтган ой хабарлашдик, олимимиз инглиз тилида намунали лекциялар ўқиётган экан. Кўрдингизми, тил билишнинг фойдасини... Бундан кейинги режамиз — халқаро миқёсга чиқиш, хорижий мамлакатлар билан алоқа боғлаш.

— Бу режаларни амалга ошириш катта маблағни талаб этмаяптими? Бу ёғи бозор иқтисоди бўлса?

— Маблағни осонгина ҳал этиш мушкул... Лекин маблағ билан боғлиқ бир чигал масала бор. Институтда 112 нафар хорижий талаба ўқийди. Уларнинг мамлакати ўз вақтида иттифоқ идоралари билан шартнома асосида пулни тўлаб қўйишган. Ҳозир пулни олган идора Россия ихтиёрида, талабалар эса бизда ўқияпти. Айрим элчихоналарга хат юбордик, маблағни ўз вақтида тўлаганмиз, Россия билан ҳисоб-китоб қилинглар, дейишди. Шуни ҳал қилсак, келажакда хорижга вакил юборсак, у ёқдан олсак, қўйинг-чи халқаро жабҳада ишларимиз юришиб кетса, ўзимизнинг валюта жамғармамиз бўлади. Ана шунда бемалол юмушларга қўл урамиз.

— Нуфузли танловларда кўпинча қайсидир талабга нопок йўлларни ишга солишга ҳаракат қилади. Хорижга борувчиларни танлаш жараёнида ҳам шундай бўлаяптими?

— Ҳозирча йўқ. Афтидан, талабимиз бунга изн бермаяпти. Яхши ўқишу инглиз тилини ўрганишни биринчи ҳафтада эплаб бўлмайди-да.

— Институтга ҳар хил имтиёзлар билан кирган талабалар бор. Хорижга бориш танловида худди шу имтиёзлар эътиборга олинадими?

— Йўқ.

— Сиз, инглиз тилини билиши зарур, дедингиз. Айримлар ўрта мактабда олмон, фаранг ё Шарқ халқлари тилларини ўқиган. Уларга қандай муносабатда бўласизлар?

— Ўринли савол. Бизга ҳозирча инглиз тилини билиши шарт, дейишган. Бошқа хорижий тиллар масаласини вазирлик олдига қўйишни ўйлаяпмиз. Чунки уларнинг нуфузи ҳам инглиз тилидан қолишмайди. Йўлини топамиз. Хорижий тилда сўзлаша оладиган аълочи талабани Туркия бўлмаса, бошқа Овруپо мамлакатларига юборамиз, уларга, албатта, ўрин топамиз. Дарвоқе, шу кунларда уч нафар немис тилини биладиган, 35 ёшдан ошмаган ҳуқуқшуносни (бир йил муддат билан иш ўрганиш учун) Олмонияга юборамиз. Шундай кишилар бўлса, айтинг, ректоратга келсин.

— Талабалар ўз назарий билимларини амалий жиҳатдан синовдан ўтказишлари учун имконият етарлими?

— Бундан буён биз амалиётни ҳам умумий қилмасдан факультетлару кафедраларга бўлиб юборамоқчимиз. Токи талаба ҳуқуқшунослик жабҳасининг ўзи танлаган томонини чуқур, пухтароқ эгалласин.

— Янги бўлимлар ва кафедралар ташкил этиш ниятларингиз йўқми?

— Бор. Ҳаётнинг ўзи божхона хизматини чуқур биладиган мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда. Аслида республикамизнинг божхона хизматида ўзбек тилини билмайдиган тасодифий одамлар ишлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳол билан узоқ муддат келишиб бўлмайди, ахир. Шу боис халқаро ҳуқуқий муносабатлар факультети тизимида тегишли бўлимлар ташкил этамиз. Яқинда хўжалик ва молия ҳуқуқи кафедраси иш бошлади. Ўз-ўзидан аёнки, бу кафедра халқ хўжалиги тизими учун малакали ҳуқуқшунослар тайёрлаш борасида назарий таянч маркази бўлади. Ва яна бўлажак халқаро ҳуқуқий муносабатлар факультетида сертификатлар ёқлашсин. Шогирдларимиз улгайса, биз фақат хурсанд бўламиз. Яхши олим даргоҳимизга сув ва ҳаводек зарур ҳозир.

— Дарсликлару қўлланмалар тайёрлаш борасида қандай изланишлар олиб борилмоқда. Ахир мавжуд дарсликлар ўқув учун ярамай қолаяпти-ку?!

— Шу кунгача иттифоқ қонунларига асосланган русча адабиётлар ўқитилар эди. Энди ҳар бир республика ўз қонунларини қайта таҳрирда қабул қилиши керак. Ёзилажак қўлланмалар ана шу — янги таҳрирга асосланиб яратилади, албатта. Бу осон иш эмас. Лекин олимларимиз яқинда жумҳурият Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институти билан биргаликда илмий кенгаш ўтказиб, давлатимиз ҳуқуқшунослиги тарихини яратиш ҳақида фикрлашиб олдилар.

— Бу йил қабул «маросими» қандай ўтади?

— Сир эмас, илгари ҳуқуқшунослик факультетига кириш бунча экан, деган гап-сўзлар бўларди. Биз бу йил турли миш-мишларга чек қўйиш ниятида сифатли қабулни амалга оширмоқчимиз. Чунки кимнингдир ёрдами билан кирган талаба ўқиш давомида кўп қоқилади, гоҳида ўзлаштиролмай ўқишдан кетиб қолади.

— Қабул жараёнида қандай ўзгаришлар бўлади?

— Ҳозир қайси фанлардан имтиҳон бўлишини айтолмайман. Лекин қабул сифати уни қайси бинода бошланиб, қаерда имтиҳонлар бўлишига, ҳужжатларни кимлар олишига боғлиқ. Шу боис қабул жараёнига яқинда иш бошлаган домлалару аспирантларни эмас, балки вазмин, холис, ҳалол ва тажрибали олимларни қўямиз. Қабулни ташкиллаштирувчи гуруҳга жамоат ташкилотлари вакиллари, халқ ноиблари, айрим ота-оналарни ҳам киритиш ниятимиз бор. Буям имтиҳон ва танловнинг одилона бўлишига ёрдам беради. Ва яна қабулдан норози бўлган ота-оналарга вазиятни тўғри тушунтириш, жўяли маслаҳатлар бериш яхши натижалар беради. Биз буни ҳам ташкил қиламиз.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат, домла.

Зубайда УСМОНОВА ва Абдунаби ЭРГАШ ўғли суҳбатлашди.

КАТТАЛАРГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Ўзбек тили фан, маданият, маориф ва матбуот тили даражасига кўтарилди. Бой миллий тилимиз орқали бошқа тилларни ҳам ўрганамиз. Аммо ўзбек тилига давлат мақоми берилганига икки йил бўлишига қарамай, баъзан кўча-кўйда, автобус ва трамвайларда баъзи ўқимишли, зиёли ва талабаларнинг она тилимиз талаффузига эътибор бермаётганликлари ва бошқа тилларни қўшиб ишлатишини эшитиб, дилингиз хира бўлади.

Яқинда телефон будкасидан гапирилаётган бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим.

Телефондаги суҳбатдан қисман келтираман: «Алло, это кто? А, Маратчик, бу сенмисан. Папанг келдими?.. Пускай мама подойдет к телефону. - Раечка, привет. Бугун икки марта звонить қилиб ололмадим...».

«Опа, мени кечирасиз, ўзбек экансиз, ўз тилимизда гаплашсангиз бўлмайдими? У тилда ҳам, бу тилда ҳам тўғри гапирмадингизку», десам: «Подумаешь, бу менинг ишим», деб тескари қараб кетиб қолди. Ёшлар, айниқса, студент қизларнинг аксарияти ўзларини маданиятли ҳис қилиб, рус тилини яхши билмаганликлари ҳолда рус ва ўзбек тилини бузиб гапирадилар. «Мамам менга импиртний туфли олиб берди», «Папам цепочкали сапог совға қилди», «Иккинчи парага қарамадим». Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хўш, бунга сабаб нима? Назаримда, оила ва мактабларда баъзи ўқитувчиларнинг тилга эътибор бермасликдаги оқибатсизликлардан бири шу эмасмикин? Биз халқимизнинг «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» деган мақолига қатъий амал қилишимиз керак. Яқинда бир ҳамкасбимизнинг дарсини кузатдик. У бир ўқувчига «Мен онамга пол ювишда ёрдамлашдим» деган гапни синф тахтасига ёздирди. Дарс сўнгида ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини баҳолаш учун, «дневник»ларингни олиб келинглар, деб буюрди. Мулоҳаза юритсак, ҳамкасбим ўқитаётган бу ўқувчидан келажакда тил софлиги, маданиятни қандай талаб қилиш мумкин.

Иккинчи бир мисол: ўқувчиларнинг кундалик тутишлари ҳақида. Ўтган ўқув йилида қўшни мактаб ўқувчиларининг кундаликларини кўришга тўғри келди. Афсуски, натижа биз кутгандай бўлиб чиқмади. Дарвоқе, ўқувчининг юзи бўлган кундалик дафтарда нималар ёзилмаган, дейсиз.

Тилни ота-она, қолаверса, ясли ва мактаб ўргатади. Олло таолого шукрлар бўлсинким, жумҳуриятимиз ҳукумати тилимиз, динимизни, урф-одатимизни қайта тиклаганига уч йил бўляпти. Бироқ айрим ота-оналаримиз оилада, кўча-кўйда ўз фарзандларининг она тилида сўзлашига эътибор беришмаяпти. Бу ҳам майли-я, айниқса, даволаниш муассасалари, касалхоналардаги тиббиёт, дори-дармонларга доир сўзларнинг ҳанузгача кўпчилик тушуниб етмайдиган тилда ёзилганини кўриб ёқа ушлайсиз.

Хўш, аҳвол шу тариқа давом этаверса, давлат тилини амалда қачон жорий этамиз?..

Қиндирбой ТЎЛАБОЕВ,
журналист-ўқитувчи.

ФИДОЙИЛИК МАКТАБИ

(ОЧЕРК)

Ёнимизга эскирган «Москвич» машинаси келиб тўхтади. Ундан одмигина кийинган, оқ-сариқ, ўрта бўйли йигит тушиб яқинимизга келди:

— Берунийга борадиган меҳмон сизлар эмасми? — деб сўради у.

Саломлашиб, ўзимизни таништиргач, унинг таклифи билан машинага ўтирдик. Ҳайдовчидан садо чиқавермагач, ўзимиз гап бошладик.

— Сиз хўжаликда қандай юмуш бажарасиз?

— Мактаб директориман, исм-фамилиям Мадатбой Ғаниев. Сизларни олиб боришни мендан илтимос қилишди, — деди жилмайиб.

Мадатбойнинг сўз оҳангида суҳбатдошини ўзига жалб этувчи бир куч мавжуд эди. Биз гапнинг бўлиниб қолишини истамадик.

— Кўп йилдан бери директорлик қиласизми?

— Йўқ, аввал бошқа мактабда директор эдим. Бу мактабга яқинда ўтказишди, — деди-ю, негадир дув қизариб кетди. (Оқ-сариқ одамнинг қизаргани кўзга яққол ташланади-да).

— Мактаб янги қурилган бўлса керак-да?..

— Бе-е... Қаёқда? Аввалгиси тоза эди. Чала бинонинг тепасида туриб ўзим қурдиргандим. Буниси...

Мадатбойнинг чеҳрасидаги қизиллик янада қуюқлашди. Аллақандай ички бир аламли тўлқин сўзини якунлашга имкон бермади. Тез орада манзилга ҳам етиб келдик...У билан хайрлашар эканмиз, вақт топиб мактабга кириб ўтишни дилимизнинг бир четига тугиб қўйдик. Бахтимизга ўша ноҳиядаги хўжаликдан тушган шикоят «юмалоқ хат» бўлиб чиқди. Ёзган одам топилмади. Далиллар исботланмади. Ана энди Мадатбой билан бемалол отамлашишга вақт етарли эди. Биз уни мактабнинг таъмири учун ўз машинасида уйидан цемент олиб келиб тушираётганда учратдик.

— Ҳар куни аҳволимиз шу, — деди қўлларини бир-бирига уриб қоқаркан, бизга пешвоз чиқиб Мадатбой. — Ота-боболаримизнинг, эскини ямагунча эсинг кетади, деганлари шу экан-да.

Суҳбатимиз унинг бу мактабга қандай қилиб келиб қолганидан бошланди. Мадатбой 1971 йилда Нукус давлат педагогика институтининг физика-математика куллиётини тамомлади. Йўлланма ўз қишлоғидаги Охунбобоев номли 57-мактабга берилди. Унинг ёшликдан орзуси ёш авлодга чуқур билим бериш билан бирга улуғ боболар юртига фидойилик руҳини сингдириш эди. Бу мақсадни амалга ошириш муаллимдан тинимсиз ўқиб-ўрганишни талаб қиларди. Ўша кезлардаги ҳаёт тарзи эса ҳар қандай орзуни қаъ-рига ютиб, изсиз йўқотиб юборишга қодир эди. Қолаверса, муаллимликнинг саноқли сўмлардан иборат маоши билан рўзғор тебратиш мумкин эмасди. Шунинг учун қишлоқ жойларда кўпчилик муаллимлар деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур эдилар. Мадатбой ҳам ўз устида тинимсиз ишлаш, ўрганиш ўрнига қовун экиб тирикчилик кемтигини тўлдирарди. Бироқ муаллимлик масъулиятини эса бир лаҳза бўлсин ёдидан чиқармасди. У ўзини бот-бот ички назоратдан ўтказарди. Шунинг учун ҳам у касбдошларидан ажралиб турарди. Очиғини айтиш керак, ёш кадрлардаги бу фазилатни кўпчилик раҳбарлар эътибордан четда қолдирардилар. Натижада бажонудил касбини севувчи билан алдам-қалдам иш бажарувчилар бир хил баҳоланарди. Аммо Беруний район халқ таълими бўлими мудири Нурилло Қозоқбоев оқни оқ, қорани-қора дегувчи раҳбарлардан эди. Шунинг учун у Мадатбой Ғаниевнинг дарс ўтишларини, тутган режаларини қониқиш билан кузатиб, унинг ёш бўлишига қарамасдан, 1983 йилда шу мактабга директор этиб тайинлади. Эски мактаб биносида иш бошлаган Мадатбой янги бинонинг чала ётиши сабабларини ипидан-игнасигача биларди. Биринчи галда у муаллимларнинг билими ва маҳоратини ўв имтиҳонидан ўтказди. «Имтиҳон»дан ўтганларга оқ йўл тилади, ўтолмаганларга йўл-йўриқ кўрсатди. Ана шундан кейингина янги мактаб биноси қурилишини жадаллаштиришга бел боғлади. Лойиҳасини синчиклаб ўрганиб чиқди. Ўқувчилар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда унга ўзгартиришлар киритди. Аммо бу жараён осон кечмади. Чунки қурилишнинг сарф-ҳаражати лойиҳадагидан анча ошиб кетарди. Қурувчилар уларни киритмасликка оёқ тираб туриб олдилар. Мадатбой ҳам бўш келмади. Сўзларини керакли жойларда исботлаб берди.

— Ҳатто, — деди у суҳбатга берилиб кетганидан қўлларини ҳаракатга солиб, — юқори ташкилотларга ўз устимдан шикоятлар ёздим.

— Йўғе-е... Қандай қилиб?..

— Нима дедим, денг? Мактаб қурилишининг чўзилиб кетишида бош айбдор мактаб директоридир. Умуман, масъулиятни сезмаяпти, дедим. Хуллас, 1984 йилдаёқ Қорақалпоғистонда ягона замонавий қўлланма ва электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган намунали мактабни фойдаланишга топширилишига эришдим. Ана шундан кейингина орзуларимнинг рўёбга чиқиши учун имконият эшиги очилгандек бўлди, назаримда. Енг шимариб энди ишга киришган ҳам эдимки...

Эски мактаб биносидаги бир йиллик кўрсаткичлар ҳам ёмон бўлмаганди. Ўша ўқув йилида мактабни тамомлаган 42 ўқувчидан 22 нафари техникум ва институтларга ўз билимлари билан киришганди. Мадатбойнинг ибораси билан айтганда, «бир сўмсиз». Мадатбой ён дафтарчасидаги ўқишга кирганлар рўйҳатини бир четдан ўқиб берди.

Мадатбой Ғаниев белорус адиби Василь Биковнинг «Ёдгорлик» қиссасининг қаҳрамонини тез-тез эслаб туради . Асар қаҳрамони оддий бир ўқитувчи бўла туриб ўқувчиларга юртга фидойилик, душманга нафрат сабоғини сингдира олгани учун қалбига ўрнашиб қолганди.

Мадатбой Ғаниев режаларини энди амалга ошира бошлаган кезлар эди. Ҳаёт оқими яна устун келиб, унинг орзуларини ҳасҳашакдек чирпирак қилиб ирғитиб юборди. Бундай бўлишини у хаёлига ҳам келтирмаганди. Воқеа шундай бошланди.

Янги мактабдаги жиҳозларнинг баҳоси юз минг сўмдан ҳам ошиб кетди. Хўжалик бўйича мудир эса кўзлари ожиз, чаласавод қария бўлиб, ҳисоб-китобга ҳам уқувсиз эди. Мадатбой унга бошқа ишни таклиф этганида, у кетмайман, деб туриб олди. Директор вазиятни ҳисобга олиб, уни ишдан бўшатишга мажбур бўлди. Шундан кейин собиқ хўжалик мудири турли ташкилотларга шикоят аризасини ёғдириб ташлади.

Дастлабки текширувларда шикоят хати исботланмади. Аммо район партия қўмитасининг биринчи котиби назоратига олингач, мактабни комиссия устига комиссия босаверди. Текшир-текшир кетаётган кунларнинг бирида райОНО мудири Нурилло Қозоқбоев Мадатбойга деди:

— Сенинг ишларингдан нуқсон изламайман. Сенга ишонаман. Аммо яхши ишлаганни кўра олмайдиганлар ҳали кўп...

— Ёзганлари туҳмат-ку, — деди Мадатбой унинг сўзини бўлиб. — Шундаям текшираверишадими?

Нурилла оға кўрсатгич бармоғини лабига босди:

— Замон шунақа, иним. Яхши ишлаганга кун йўқ. Ҳарқалай ҳушёр бўлиб юр...

Орадан кўп ўтмай, коммунист бўлмаса-да, Мадатбойни район партия қўмитаси бюросига чақиришди. Қабулхонада беш-ўн чоғли одам бор эди. Ҳаммасининг чеҳрасида маъюслик. Бири «уф-ф»лайди, бири шифтга тикилади. Мадатбойнинг ҳам юраги қисила бошлади. Шу пайтгача қилган ишларини бирма-бир хаёлидан ўтказади. Нимаики қилган бўлса, ҳаммаси ёш авлоднинг келажаги учун эди. «Наҳотки жазолашса?!» У ўзининг бу фикридан чўчиб кетди. Уч йилда қолоқ мактабни илғорлар сафига ўтказиш, саккиз йилдан бери чала ётган бинони битказиш машаққати ҳам бир бўлди-ю, биринчи котиб қабулхонасида ўтирган йигирма беш дақиқанинг азоби ҳам бир бўлди. Ичкарида унга оғиз очиртиришмади. Биринчи котибнинг «Мадатбой Ғаниев вазифасидан бўшатилсин», деган бир оғиз ибораси унинг тақдирини ҳал этиб қўя қолди. Ҳатто мактабда бўлиб ўтган мажлисда 40 ўқитувчидан 35 нафари директорнинг бўшатилишига қарши эканлигини инобатга олишмади.

Ишбилармон кадрлар қадрига етадиган Нурилло Қозоқбоев барча масъулиятни зиммасига олиб, уни шу — ибн Сино номли 29-мактабга директор этиб тайинлаган эди. Кўпинча ўринсиз шохи қайрилган кадрлар бундай пайтда ишдан совиб кетадилар. Аммо Мадатбой «бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдириш»ни ўзига эп кўрмади. Аламини ишдан олди.

— Ноҳақ жазоланган экансиз, ўзингизни оқлашга уринмадингизми? — сўрадик ундан.

(Давоми 4-бетда).

КЕЛАЖАК ЗАМОН ТЕХНИКАСИ

Умумий таълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларда «Космик ракеталарни моделлаштириш» тўгараклари ишларини янада яхшилаш ва ривожлантириш, бунга қизиқувчи ўқувчилар сонини кўпайтириш мақсадида Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳида ўтказилган «Коинот» жумҳурият кўрик-танлови куни кеча ўз якунини топиб, ғолиблар аниқланди.

Бу танловни уюштиришда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Жумҳурият ўқувчилар техник ижодкорлиги маркази ва унинг жойлардаги бўлинмалари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Ҳозирги ва келажак замон космик ва ракета техникаси, планетаходларга тааллуқли ишларни баҳолашда ҳакамлар ҳайъати мавжуд бўлган нусҳаларга солиштирилган, таққосланган ҳолда кенг ва ижобий баҳо бердилар. Илмий-техник томонларни баҳолашда эса механика қонунлари ҳақидаги билим, учиш вақти ва траекторияларнинг мақсадга келиши, космик аппаратларнинг лойиҳавий параметрлари, шунингдек, танланган материаллар, двигателлар, ёқилғи ва бошқалар ҳам кенг ўрганиб чиқилди.

«Коинот» жумҳурият кўрик-танлови бир неча кун давом этди. Унда барча вилоятлардан мактаб ўқувчилари, жойлардаги ёш техниклар станцияларининг қатнашчилари ўзлари тайёрлаган қўлбола моделлари билан фаол иштирок этдилар.

Хуллас, ғолиблар аниқланди. Унда Қўқон шаҳридаги ёш техниклар станцияси аъзолари биринчи ўринни олишди ва Халқ таълими вазирлигининг алоҳида мукофотлари билан тақдирландилар.

Қизиғи шундаки, ёш физиклар олам сирларини ўрганишда, ундаги муаммолар билан ҳамфикр бўлишда яна бир карра ўзларининг билимларини синаб кўришди. Келажак замон техникаси хусусида фикр юритиб, бир-бирлари билан қилинган ишлар юзасидан тажрибалар алмашдилар.

СУРАТЛАРДА: «Коинот» жумҳурият кўрик-танлови иштирокчиларидан бир гуруҳи.

Р. АЛЬБЕКОВ тасвири.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ЙЎРИҚНОМАСИ (КОНЦЕПЦИЯСИ)

ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон республикасининг мустақил деб эълон қилиниши, халқ хўжалигини бошқаришнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосига ўтиши, таълим-тарбиянинг сиёсатдан ҳоли қилиниши умумий ўрта мактаб таълим мазмунини миллий қадриятлар асосида қуришни, ўқувчиларни ўзбек халқининг тарихи, маданий мероси ва педагогик анъаналари асосида тарбиялашни тақозо этади. Шу боисдан ўзбек халқининг асрлар давомида яратган, аждодлар синовидан ўтган миллий урф-одатлари, маросимларини татбиқ этиш қонуний заруриятдир. Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг миллий-маданий ва қадриятларнинг аҳамиятини тушуниб етишлари, уларнинг инсон камолотида муҳим омил эканлигини эътироф этишлари ва улардан баҳраманд бўлишларини таъминлайдиган дастур ва қўлланма ишлаб чиқилади. Мақсад: умумий ўрта мактабда ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишда, камол топтиришда халқ педагогикаси, халқ урф-одатлари, анъаналари ва умуминсоний қадриятларидан фойдаланишнинг илмий асосини ишлаб чиқишдир.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ибтидоий жамоа тузуми даврида ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиб бориши билан жамоа аъзолари яшаш учун зарур воситалар топишга, оддий қуроллар ясашга киришиши билан жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янги шакли юзага келиб, турмуш кечириш учун жамоа бўлиб яшаш заруряти пайдо бўлди, мустаҳкам қариндош-уруғчилик асосидаги ибтидоий жамоа ҳам шаклланди, турмушга муносабат ўзгарди, жамоа аъзолари тасвирий санъат, ўймакорлик санъати, кулолчилик, нақкошлик билан шуғуллана бошладилар.

Эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган «Ипак йўли» фақат ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этибгина қолмай, балки маданий алоқа йўли ҳам бўлди. У халқларнинг ҳам савдо, ҳам маданий соҳада ўзаро ҳамкорликда яшаши, дўстлашиши учун хизмат қилди.

Эрамизнинг VI—VII асрларида турк ҳоқонлиги ҳукм сурган даврда Ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ортиши билан деҳқончилик бирмунча юксалди, тўқимачилик, ипак-газлама корхоналари бунёд этилди, гурли материаллардан турмуш учун керакли буюмлар ясалди.

Ижтимоий ҳаётда юз берган бу ўзгаришлар натижасида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари билан Византия, Хитой ва Ҳиндистон, умуман, Шарқ халқлари ўртасида маданий алоқалар ривожланди. Бу алоқа улар яратган оғзаки ижод намуналарида ҳам ўз ифодасини топди: ҳинд халқининг машҳур «Панча тантра» («Беш китоб») асари ибн Муқаффанинг араб тилига қилган таржимаси ўзбек тилида «Калила ва Димна» номида нашр этилди.

VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлик қилган йилларда араб тили давлат, фан ва адабиёт тили бўлди. Ислом динининг моҳиятини тушунган ўзбек халқи уни қабул қилди. «Қуръон» ва «Ҳадис» мактаб ва мадрасаларда ўқитилди. Бу эса халқимиз маънавий ҳаётида катта роль ўйнади.

XI—XII асрларда Ўзбекистонда феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ўсиши деҳқончилик, ҳунармандчилик, бинокорлик, нақкошлик, ўймакорлик санъатининг ривожига жиддий таъсир этди: Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган, Марв шаҳарларида сарой, масжид, мадраса, сардоба каби бинолар қурилди.

XI—XII асрлари ўзбеклар Мовароуннаҳрда асосий аҳоли сифатида таркиб топди ўша даврда «турк тили» деб ном олган ўзбек тили адабий тил хусусиятига эга бўлди. Бу даврда мусиқа санъати ҳам юксалиб, Абуҳифз Суғдий найга монанд Шоҳруд номида асбоб ясади, халқ куйлари асосида «Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшоқ», «Зерафканда», «Сипахон», «Баста», «Тарона» ва бошқа куйлар ижод қилинди.

Бу даврда илм-фаннинг ўсгани Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абунаср Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа олимларнинг фаолиятида равшан кўринади.

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси натижасида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва ижтимоий, маданий ҳаётида талафот юз берди. Халқ Чингизхон зулмига қарши қўзғалди, унга нафрати ифодаланган «Гулдурсун» каби афсоналар яратди. Бадиий адабиётда Рабғузийнинг «Қиссаи-Рабғузий» сингари Ислом дини тарғиб қилинган асарлар ёзилди.

Амир Темур ва унинг авлоди ҳукмронлик қилган XIV—XV асрларда мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида қайта тикланиш ва ривожланиш бошланиши билан илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, нақкошлик, мусиқа соҳасида, бадиий адабиётда жуда катта ютуқларга эришилди, халқ оғзаки ижоди ривожланди. Бу даврларда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи билан Эрон, Арабистон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой халқлари ўртасида маданий, адабий алоқалар ривож топганини Рудакий, Фирдавсий, Фариддин Аттор, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Фузулий, Камол Хўжандий ва бошқа Шарқнинг буюк алломаларининг ижодий алоқалари мисолида равшан кўриш мумкин. Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ҳам бунга ёрқин далилдир.

Ўзбек халқи билан Ўрта Осиёда яшаган бошқа халқлар ўртасидаги дўстона алоқани улар яратган оғзаки ижод намуналарида ҳам кўриш мумкин. Масалан, улар яратган достонлар қаҳрамонлари номининг ўхшашлиги, ўзбек, уйғур, қозоқ, тожик, туркман халқларида «кун», «ой» сўзлари билан бир қаторда ишлатилган номлар ҳам бунинг ёрқин далилидир. Ўзбек халқ достонларидан «Ойсулув»даги Ойсулув ва унинг ўғли Кунботир, «Кунтуғмиш»даги Кунтуғмиш, «Юсуф ва Аҳмад» достонидаги Кунхон ва Ойхон қаҳрамонлари номига қўшиб айтиладиган «ой» қўшимчаси, «Алпомиш»даги Барчин-ой, «Ғариб ошиқ»даги Ойсанам, «Қирқ қиз»даги Ойсулув образларида уйғунлик мавжуддир.

XVII—XVIII асрларда Пётр I ҳукмронлик қилган даврда рус давлати мустамлакачилик сиёсатини кучайтирган йилларда ҳам меҳнат ва санъат аҳли, ўз урф-одатига кўра, ижодий ишни давом эттирди: безаш санъати, кулолчилик, меъморчилик санъати соҳасида X—XV асрларда бошланган ишларни давом эттирди; безаги, ҳашамати билан ўз даври руҳи, меъморчилик маданиятининг ёрқин намунаси бўлган «Масжиди Калон», «Қўш мадраса», «Тоқи телфак фурушон» (Бухорода), «Шердор», «Тиллакор» (Самарқандда) мадраса бинолари қурилди. Мадрасаларда илоҳиёт фанлари билан бирга табиий фанлар ўқитилди.

Умуман, XX асрга қадар ўтган даврда юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётга назар ташлар эканмиз, умуминсоний тараққиётида IX—XII ва XV—XVI асрларда Шарқда уйғониш бўлганини, ижтимоий, маданий ҳаётда катта ўзгаришлар юз берганини кўрамиз. Айниқса, Амир Темур асос солган салтанат даврида ижтимоий ҳаёт юксалди, илм-фан ва маданият гуркираб ривожланди. Заминимиз, умуман, Шарқ ўлкалари дунёга Хоразмий, Фаробий, ибн Сино, Беруний, Термизий, Бухорий, Аҳмад Яссавий, Фарғоний, Улуғбек, Рудакий, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Румий каби буюк даҳоларни тақдим этди, ота-боболаримиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётни анъанавий равишда улкан Осиё-Ўрўпо ҳудудида тарқалишига ва маҳаллий омиллар таъсирида бойиб боришига имконият яратдилар. Эрамиздан олдин ва кейин яратилган халқ оғзаки ижоди ўзбек адабиётининг, илмий педагогиканинг шаклланиши ва тараққиётига бебаҳо битмас-туганмас манбаа бўлиб хизмат қилди.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ВА УНГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, унинг миллий маданияти, оилавий турмуш тарзи, ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, урф-одат ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоялари халқ педагогикасида мужассамдир. Ҳали мактаб бўлмаган, педагогика фан сифатида шаклланмаган даврдаёқ қабила аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, жанговарлик ҳислатларини шакллантириш ва ўстириш соҳасида орттирган тажрибалари ҳаётий тажриба меваси сифатида бизнинг даврга етиб келди ва халқ педагогикаси шаклида таркиб топди.

Ибтидоий жамоа кишилари табиатда яшин, довул, зилзила, чақмоқ каби ҳодисаларнинг юз бериши сабабларини билмаганликлари учун ер ва осмонни жонли нарсалар деб тасаввур қилганлар, айрим ҳайвонларни муқаддас деб ҳисоблаганлар. Улар табиатда ўзларига «дўст» ва «душман» кучлар бор, деб ўйлаганлар.

Ибтидоий кишларнинг дунёни шу тарзда тасаввур қилишлари заминида ҳодисалар, ҳайвон ва қушлар ҳақида 4 афсона (миф)лар пайдо бўлди. Бу асарларда кишиларни ҳаётни севишга, ҳаётда сабр-тоқатли бўлишга, ёвуз кучларга қарши курашга даъват қилинди, уларда инсоннинг куч-қудрати улуғланди. Бу мифологик-афсонавий тушунчалар «Авесто» сингари асарларда кенг ўрин олди. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш Митра, Йима (Жамшид), Элбек каби афсонавий образларда мужассамлантирилди. Афсонавий қаҳрамонлар «Широқ» ва «Тўмарис» каби қаҳрамонлик эпосларидаги Широқ, Тўмарис образларида ифодаланди.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ МУТАФАККИР АДИБЛАР ИЖОДИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

Ўзбек халқининг узоқ йиллар бола тарбияси соҳасида орттирган тажрибаси кучли қудратга эгалигини ва халқчиллигини билган ўтмишдаги мутафаккир шоир ва олимлар ўз ижодий фаолиятларида унга амал қилдилар. Улар халқ урф-одати ва анъаналарини ўрганиб, ўтмиш авлодлар донишмандлиги келгуси авлодлар учун кўзгудир, деган хулосага келадилар ва уларни ташвиқ этадилар.

Халқ педагогикаси жамоа аъзолари — одамларнинг амалий фаолияти, ҳаётий тажрибаси асосида юзага келди, халқ маънавий ҳаётининг мужассами сифатида шаклланди. Шу туфайли ҳам халқ педагогикасида миллийлик хусусияти мавжуддир.

Этнография, руҳият, тиббиёт, биология, физика, химия, математика, астрономия, география, тил, адабиёт, тарих фанлари билан халқ педагогикаси боғлиқдир. Буни педагог ва тарихчи олимларнинг халқ педагогикасида қўлланган усул ва тадбирлар ёритилган этнографик характерда яратган тадқиқотларида кўриш мумкин.

Халқ педагогикасида тарбия билан бирга таълим ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, халқ ёш авлодни аниқ касбга, қўл санъатига, спортга ўргатди ва ўқитди. Бинобарин, халқ педагогикасини тадқиқ этиш тарбияни ва ўқитишни икки узвий жараён сифатида бир вақтнинг ўзида ўрганишни тақозо этади.

Халқ педагогикаси тарихий, мантиқий қурилиши жиҳатдан, ўзига хос хусусияти билан илмий педагогикадан фарқ қилади. Бу фарқ қадимги ёдгорликларнинг мазмуни ва шаклини таҳлил қилиш йўли орқали белгиланади. Халқ педагогикаси энг қадимги даврда, ёзув пайдо бўлишидан олдин шаклланади. Шунга кўра, у илмий педагогиканинг бошланиши ҳисобланади. Халқ педагогикаси инсоннат пайдо бўлган даврдан бошлаб мавжуддир.

Халқ педагогикасида ҳар бир халққа хос донишмандлик унинг тили, атама ва шеваларида ёрқин кўринади, шу сабабли ҳам у кенг меҳнат аҳлига тушунарлидир. Айрим атамалар истеъмолдан чиққанлигига қарамай, ёзма адабиётда, халқ ижодида яшамоқда, ғоявий-эстетик вазифасини бажармоқда. Халқ педагогикасига хос образлилик, ёрқинлик, таъсирчанлик кучи фақат сифатлаш, муболаға, мажоз, риторик сўроқ ва ундошлар ёрдамида эмас, балки тил бойликлари, фонетика, морфологик, синтаксисда ҳам намоёндир.

Ҳар бир халқ педагогикаси бошқа халқлар маънавий маданияти билан ўзаро алоқада бойиб боради. Халқлар ҳаётидаги урф-одат ва анъаналаридаги ўхшашлик улар яратган ёдгорликларида мавжуддир. Аммо, бундан қатъи назар, ҳар бир ёдгорлик уни яратган, ижод этган халққа мансубдир, унинг миллий ёдгорлигидир. Шу сабабли ҳам халқ ижоди асарларида миллийлик хусусияти намоёндир. Асарлар номи, уларда тилга олинган буюм, ўсимлик, қушлар, ҳайвонлар, ҳудуд, турмушда қўлланадиган асбоблар номи ҳам бунинг ёрқин далилидир. Масалан, ипак қурти, ипак, атлас, дейилса, аввало, шубҳасиз, ипакчилик ўзбек халқига хос миллий анъана бўлгани тасаввур қилинади. «Рустамхон», «Қунтуғмиш», десак, унинг ўзбек халқига, «Манас» десак, у қирғиз халқига, «Ойсулув» десак, у қозоқ халқига хослигини англаймиз.

Халқимиз яратган қўшиқ ва ўйинлар намунаси XI асрнинг буюк тилшуноси, тарихчи, этнографи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» китоби орқали бизгача етиб келди.

Мақол ва топишмоқларда халқнинг тарбия ҳақидаги фикри, эртакларда эса педагогик маданияти тасвирланди. Шу сабабли эртаклар оилада ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилди. Ўтмишда оилада эртаклардан тарбия воситаси ўрнида фойдаланилди. Ота-оналарнинг уйқу олдидан айтиб берган эртакларидан болалар руҳий озиқ олдилар, ҳурмат ва мурувват, адолат каби тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлдилар. Натижада, бутун ҳаётлари давомида эртаклар уларнинг доимий ҳамроҳи бўлди.

Ўзбек халқининг узоқ йиллар бола тарбияси соҳасида орттирган тажрибаси кучли қудратга эга ва халқчилдир. Ўтмиш мутафаккир шоир ва олимлари буни яхши билганлар, ўз ижодий фаолиятларида унга амал қилганлар. Бунга Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул-ҳақойиқ» достонлари, Кайковуснинг «Қобуснома» асари, Абу Наср Фаробийнинг «Фусус ул-мадани» рисоласи ёрқин мисолдир.

Алишер Навоийнинг «Хамса» асарига кирган достонларидаги хаёлий ҳикоялар, афсоналар ва бош қаҳармонларнинг дев, аждаҳолар билан олишуви каби лавҳалар тасвири улуғ шоирнинг, умуман, классик шоирларнинг халқ оғзаки ижодига алоҳида эътибор берганликлари ва ундан моҳирона фойдаланганликларига ёрқин далилдир.

XIX аср охири ва XX асрда ўзбек адабиёти намояндаларининг асарларида ҳам халқ миллий урф-одат ва анъаналари ўз ифодасини топди: илғор педагог-олимлар ёш авлодни ахлоқ-одобли қилиб тарбиялашга эътибор бериб, халқ оғзаки ижодини ва ўтмиш мутафаккирларнинг педагогик қарашларини ёритишга бағишланган асарлар яратдилар.

Машҳур ёзувчи ва олим Абдурауф Фитрат ўзининг «Бедил» (1924) асарида ҳар қандай меросдан воз кечиш шиорини кўтариб чиққанларга қарши ўлароқ маданий меросга тараққиёт манбаи сифатида ҳурмат билан қарашни тарғиб қилди. Фитрат «Ҳинд ихтилочилари» фалсафий драмасида ҳам инсон эрки, бахти учун курашни ҳаммадан юқори қўяди, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, бунинг учун миллий, диний мазҳаб тафовутларидан қатъи назар, халқлар дўстлигини таъминлаш, илм-фанни ривожлантириш, эркин муҳаббат, ўз ватани, халқига садоқат, эл-юрт манфаатларини муқаддас деб билиш — бахтга эришиш йўлининг туб манбаи эканини тасвирлади.

Атоқли шоир ва адиб Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида ўзбек халқига хос гўзаллик, одоб-ахлоқ, инсонпарварлик қадриятларини ижодий акс эттирди, миллий урф-одатларнинг поймол этилишини қоралади, соф севги, номус, виждон ва инсоф, адолатни ҳимоя қилди. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида ўзбек халқининг энг яхши миллий урф-одат, анъаналаридан ҳисобланган ҳурмат-эҳтиром, меҳмондўстлик, севгида садоқатлилик, эр ва хотин ўртасидаги самимийлик каби фазилатлар улуғланди.

Ўзбек адабиётида халқ педагогикасини тараннум этувчи асарлар кўп. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси», Абдулла Авлонийнинг «Ёлғончи чўпон», «Туркий Гулистон ёки ахлоқ» асарлари ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Шоир ва адиблар ижодидаги педагогик қарашларни очиб беришда тадқиқотчи-олимлар асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, педагог-олим З. Миртурсунов «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари» (1961) рисоласида Ҳамзанинг педагогик ғояларини, ақлий, ахлоқий ва нафосат тарбияси ҳақидаги фикрларини баён этди. М. Хайруллаев эса ўзининг «Фаробий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида» номли китобида ўтмишда таълим-тарбия ҳақидаги фикрлар фалсафий таълимотлар асосида вужудга келганлигини айтиб, Фаробий фалсафасининг принципларини, унинг ақлий, ахлоқий тарбия ҳақидаги қарашларини тадқиқ этди.

Атоқли олим-педагог Н. Маллаев «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» номидаги йирик тадқиқотида Алишер Навоий «Хамса» асари қаҳрамонларининг фольклордаги заминини, шоир ҳикоялари ва уларнинг фольклор анъаналарини, достонларининг халқ вариантларини илмий-назарий асосда ёритган бўлса, фольклоршунос санъаткор Муҳсин Қодиров «Ўзбек халқ оғзаки драмаси», «Масхарабоз ва қизиқчилар санъати», «Халқ қўғирчоқ театри», «Ўзбек театри анъаналари» ва бошқа илмий тадқиқотларида ўзбек халқ анъанавий театри ва драматургиясини таҳлил қилди.

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг тарғиботчиларидан бири Шорасул Зуннун ўзининг 1977, 1986, 1988 йилларда нашр этилган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобларида ўтмишда ижод этган улуғ сиймоларнинг таълим-тарбиявий руҳдаги, номус ва поклик, инсоф ва адолат, мурувватлилик ва ҳақгўйлик каби гўзал, ижобий фазилатларга зулм ва қабиҳлик каби салбий бидъатлар қарама-қарши қўйилган ҳикояларни мужассамлантирди.

1991 йилдан бошлаб жумҳуриятимизда миллий қадриятларни тиклашга, ёшларни миллий урф-одат, анъана ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга жиддий киришилганлиги Ўзбекистон халқларининг мустақиллик йўлига қўйган қадамининг дадиллигига ёрқин далилдир.

«Қуръон», Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»), Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Имон», «Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари», Умар Хайёмнинг «Наврўзнома», Сўфи Оллаёрнинг «Саботул ожизин», шунингдек, «Темурнома» каби китобларнинг чоп этилиши, ўрта мактаб дастурларидан ўтмиш маданият, адабиёт, халқ оғзаки ижоди асарларининг кенг ўрин олиши ҳам мустақиллик шарофатидир.

Сўнгги йилларда фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун дунё мамлакатларда асрлар давомида авлодлар яратган маданий мерос, ёдгорликларни сақлаш ва ривожлантиришга, инсоният ҳаётининг манбаи бўлган табиатни муҳофаза қилишга жиддий киришилганини Францияда ЮНЕСКО қошида халқаро кенгаш, халқ ижоди фестивалларини ўтказиш бўйича бош штаб (КИОФФ)нинг тузилиши намунасида ҳам кўриш мумкин.

Биз Октябрь инқилобигача бўлган даврда ҳамда шўро ҳокимияти даврида Ўзбекистон республикасида таълим-тарбия соҳасида қилинган ишларни, нашр этилган тадқиқотларни ўрганиш билан шундай хулосага келдикки, халқ педагогикаси атрофлича тадқиқ этилиши, халқ педагогикаси бўйича бериладиган билим мазмуни ёритилган дастур, қўлланмалар яратиш зарур. Бунинг учун тубандаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

1. XX асрнинг 1917 йилларига қадар бўлган ўзбек халқ педагогикасини таҳлил этиш, унинг миллийлик ва байналмилаллик хусусияти, тарбияда қўлланган тажриба ва усулларни ўрганиш.

2. Ўқувчи, муаллим ва ота-оналарнинг халқ педагогикасини тушуниши ва ундан хабардорлик даражасини, мактабгача тарбия муассасаларида, оилада халқ педагогикасидан фойдаланишини, ўтмишда қўлланган тажриба ва усуллардан фойдаланишда эришилаётган ютуқларни аниқлаш.

3. Дарсда ва дарсдан ташқари ишларда этнопедагогик материаллардан фойдаланиш даражасини ишлаб чиқиш, шу асосда тажриба (эксперименталь) материаллар тайёрлаш ва синовдан ўтказиш.

4. Ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси ҳисобга олинган ҳолда халқ педагогикасидан фойдаланиш принципи ва усулларини белгилаш.

Бу вазифалар, табиийки:

— ўзбек халқ оғзаки ижодида таълим-тарбия (ахлоқий-ақлий тарбия, оилада бола тарбияси, меҳнат тарбияси, нафосат тарбияси) масалаларини;

— ўтмиш ўзбек мутафаккир олим ва шоирлари (Фаробий, ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Алишер Навоий, Бобур, Аҳмад Яссавий, Машраб ва бошқалар) ижодида таълим-тарбия масалаларини;

— Қуръон, Ҳадис, «Қобуснома»даги таълим-тарбия масалаларини;

— 1917 йилдан кейин педагогика илмининг олим, ёзувчи, шоирлар (Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, А. Қаҳҳор ва бошқалар) ижодида ривожлантирилиши масалаларини ёритиш;

— халқ педагогикаси бўйича мутахассислар етиштириш йўллари орқали амалга оширилади.

Фикримизча, юқорида баён этилган вазифа ва йўналишлар орқали халқ педагогикасини ўрганиш ўтмиш донишманд юртдошларимиз асрлар давомида яратган урф-одатларни, анъаналарни, маросимларни, шунингдек, халқимиз миллий хусусиятининг ифодаси бўлган диний, маданий қиёфасини маълум даражада қайта тиклашга ёрдам беради.

Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти.

Йўриқнома лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истакларингизни қуйидаги манзилгоҳга йўллашингизни сўраймиз: 700003, Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 174-уй. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти халқ педагогикасини ўрганиш бўлими.

Ўқитувчилар сулоласи ҳақида ҳикоялар

ОТА

Икки яшарлигида Ҳасанжоннинг отасини чавақлаб кетишди. Падари бузкурворининг ўлимини ҳар ким ўзича тахминлади. Балки, улар Мирзабобо (отасининг акаси)нинг том маънода саводли бўлгани учун қасос олишгандир. Қонхўрлар Мадёрнинг уйига бостириб киришганида Мирзабобо йўқ эди. Унинг ўрнига ўзи тушиб қолди.

...Онаси ўша давр қийинчиликларига дош беролмай турмушга чиқди. У ўгай отанинг уйида кўрган-кечирганларини ҳамон ўксиб, кўзлари ёшланиб эслайди.

Кунларнинг бирида онаси Ҳасанжонга бозордан гўшт олиб келишга пул берди. Лекин у гўшт растасига бораётиб, китобфурушга дуч келиб қолди ва китоб сотиб олди.

— Гўштнинг пули қани? — ўдағайлади ўгай ота. Ҳасанжон нима деб жавоб қилишини билмай гангиди. Бироз жимликдан сўнг «Йўқотиб қўйдим», дея қўрқувдан илк бор ёлғон сўзлади. «Ота» дарғазаб бўлиб, унинг бошига тарвузнинг палласи билан урди. Онаси ҳам эрининг тарафини олди.

Ҳасанжон йиғлай-йиғлай ташқарига чиқди. Кечқурун эса уйига келишга қўрқди. Ярим тунда у ўқитувчиси — ёрқўрғонлик Умаржон аканинг уйига борди ва ўша ерда ётиб қолди... Шу устозининг сиймоси ҳамон Ҳасан отанинг кўз ўнгида. Ўшанда у билиб-билмай Умаржон акадай муаллим бўлишга қарор қилганди. Кейинчалик бадиий асарлар, хусусан, А. Навоий ҳикматлари таъсири бу қарорни қатъийлаштирди.

Умр — оқар сув деганларидек, йиллар ҳам карвон бўлиб ўтаётир. Мана, унинг болаларга тил ва адабиёт фанидан сабоқ бера бошлаганига ҳам эллик етти йил бўлибди. Ҳазилакам эмас бу. Қийинчилик, қаҳатчилик... кўйингки, барчабарча даврлар мужассам эди унда. Ота ҳар доим оллоҳ таолонинг шу кунларга етказганига шукроналар айтади.

Айни пайтда уйчиликлар Ҳасан отанинг ўқитувчилар сулосасининг етакчиси сифатида ҳам билишади. Бу сулола вакиллари 15 нафарни ташкил этади. Ҳасан отанинг укаси Абдураҳмон Мадёровнинг 1-илм масканида фаолият кўрсатаётганига 25 йилдан ортиқ вақт ўтди. Унинг оиласида тўрт нафар педагог бор. Абдураҳмон аканинг турмуш ўртоғи Бодомхон Мадёровнинг болалар боғчасида тарбиячилик қилаётганига 30 йилдан ошди. У бола тарбиясида катта тажриба орттирган. Шу боисдан Ҳ. Мадёровнинг бевосита маслаҳати билан уйларида боғча ташкил этган. Ҳозир у ерда 14 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.

Ҳасан ота жамоат ишларида фаол қатнашмоқда. У 1980 йилдан буён Уйчи касабасидаги «Иттифоқ» маҳалласи қўмитасига бошчилик қилаётир. Маҳаллада 4000 га яқин аҳоли яшайди. Табиийки, ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша ташвиши бор. Ота уларнинг эҳтиёжларини ўйлаб, маҳаллада тўрт хоналик нонвойхона, кундалик эҳтиёж моллари дўкони қурдирди. Унинг раҳбарлигида кўчаларга асфальт ётқизилди, сув келтирилди, 500 нафар киши сиғадиган маҳалла мачити қуриб битказилди.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари даврида жон бошига белгиланган ун, шакар, ёғ-мой ва бошқа маҳсулотлар рўзғорга етмай қолаяпти. Энди ҳар бир ҳудудда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилмаса, бу борада ижобий натижаларга эришиш янада қийинлашади. Шунинг учун Ҳ. Мадёров маҳалла чойхонаси ёнида аҳолининг кучи билан тегирмон ўрнатиш таклифини берди. У яна мойжувоз қилишнинг режасини тузиб қўйган. Устоз, ўқитувчилар сулоласи саркори ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Маҳаллада ногиронлар, ёрдамга муҳтож одамлар бор, — дейди биз билан суҳбатда ота. — Турмуш ташвишларидан қийналаётган айрим кишиларнинг хонадонларига кираман. Ишсизларга иш топишда ёрдамлашаман...

Ҳасан ота Мадёров 1980 йили пенсияга чиқди, лекин қадрдон мактабини тарк эта олмади. Бир сафда туриб меҳнат қилаётган ҳамкасблари бунга кўнишмади. У тарбиялаган шогирдларидан К. Мадраҳимова, И. Оқилов, О. Турғунов, Э. Бештаев, А. Маматов, Б. Турсуновлар ҳам, мана, вақт ўтиб пенсия ёшига етиб қолишди. Карвон ўтгани билан уларнинг ҳар биридан ўзига хос из — услуб қолади. Масалан, Ҳасан ота Мадёров ҳамкасбларига, шогирдларига «Ўқувчиларга мустақиллик беринг», деб ҳар доим таъкидлайди ва устознинг ўзи шу тамойилга мудом амал қилади.

Отанинг фикрича, боланй кўпроқ ўйлашга, мулоҳазалашга ўргатмоқ лозим. Ўйлаб меҳнат қилинса, маҳсули самарали бўлади. Бунинг учун ўқувчи изланади. Изланиш учун эса кўпроқ ўқиш керак. Шунда ўқувчининг ўйлаш қобилияти, фикр юритиш доираси кенгаяди.

Устоз ҳанузгача республика рўзнома ва ойномалари саҳифаларида ўзининг қизиқарли мақолалари билан тез-тез кўриниб туради. Унинг ихчам мақолалари қатори «Деҳқон касбин ўқидим», «Бузоғим», «Сўзлагин» деб номланган шеърлари, «Жанггоҳ қиссаси» туркуми, «Улоқ кетди», «Пахтакор», «Арзимни айт» каби ҳазил тариқасидаги асарлари бир қанча нашрларда турли йилларда чоп этилган.

Биз юқорида ижодкор педагог, ўқитувчилар сулоласи саркори Ҳасан ота Мадёровнинг унвонларига унча кўп тўхталмадик. У олган мукофотларни санаб саноғига етиш қийин...

Қ. МАТҚУРБОНОВ.
Наманган вилояти.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ОРОМБАХШ МАСКАН

Мастурахон опанинг бирдан-бир нияти она касби боғчада ишлаш эди. Педагогика олийгоҳини тугатгач, боғчада тарбиячи бўлиб ишлади. Ўша кезлардаёқ ўзининг болажонлиги билан бошқа тарбиячилардан ажралиб турарди. Йиллар ўтиши билан у тажриба орттириб жамоа ўртасида обрў қозонди. 1931 йилдан бошлаб Куйбишев ноҳиясидаги 426-боғчага мудир этиб тайинланди.

Ана шундан сўнг Мастурахон кўнглида тугиб юрган режаларини амалга оширишга киришди. Боғчани ота-оналар дидига ёқадиган, болажонлар севадиган бир масканга айлантиришга ҳаракат қилди. Мудира боғчанинг намунали бўлиши учун астойдил ҳаракат қилди. Ўтган йиллар мобайнида бу тарбия маскани таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тарбия масканининг ўз боғи бўлиб, унинг бир четида табиат бурчаги ташкил этилиб, 4 та қуён боқилмоқда.

Мастурахон опа ҳар куни эрталаб ишга келгач, тўғри гуруҳларга киради. Ҳар бир гуруҳни бирма-бир кўздан кечиради. Бу ерда жами 350 нафар бола бўлиб, 12 та гуруҳ мавжуд. Йўлакдан юриб, гуруҳларга бораётганингизда кираверишда ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ўйин майдончаларини кўрасиз. Бу майдончаларда ҳар хил ёғочдан ясалган поезд, от ва бошқа ўйин инвентарлари кўзга ташланади. Боғчада олдин рус гуруҳлари кўпроқ эди. Яқинда бу ерда ўзбек гуруҳлари ташкил этилди. Рус гуруҳларида эса ўзбек тилида машғулотлар ўтказилмоқда. 4 ёшдан бошлаб инглиз тили ўргатилмоқда. Ёз фаслига мўлжалланган бассейн ҳам бор. Кунлар исиши билан болакайлар бу ерда мириқиб чўмиладилар.

Мудиранинг яна бир нияти — бу масканда болаларни қишки сузиш ҳавзасини қурдириш эди. Унинг орзуси рўёбга чиқди. Қишки бассейн қурдирилмоқда. Бир касбда 33 йил ишлашнинг ўзи бир катта бахтдир. Мастурахон опа ана шундай бахтиёр мудиралардан бири...

М. НУРИТДИНОВА.

Қутлаймиз!

Ҳурматли Ҳамидулла ИҲЛДОШЕВ!

Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан қизғин муборакбод этамиз. Мана 52 йилдирки, меҳнаткашларнинг фарзандларига таълим-тарбия бериб келаяпсиз. Шу билан биргаликда матбуотда ахлоқ-одобга доир мақолаларингиз билан қатнашиб келмоқдасиз. Юзлаб шогирдларингиз раҳбарлик лавозимларида, олий таълим даргоҳида ва турли жамоаларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Ушбу шодиёна кунда Сизга куч-қувват, соғлиқ-саломатлик ва онлангизга тинчлик-тотувлик тилаймиз.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 268-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

НАФОСАТГА ТЎЛА БИР МАКОН

Кўпинча биз талабалар ёки ишчилар ётоқхонаси деб атайдиган биноларда гўёки фақатгина ухланадиган жойдек туюлади. Ундаги ҳаёт билан яқиндан танишсангиз, хаёлингиздаги турли гумонлардан асар ҳам қолмайди. Ишонмасангиз, пойтахтимизга жанубдан кираверишдаги Усмон Носир кўчаси Тошкент тижорат билим юрти талабалари уйига бир бориб кўринг...

Уй ҳовлисига кираверишингизда тоза ҳаводан баҳрингиз очилади. Икки ёнда қомат кериб турган мевали дарахтлар, турли-туман кўкатлар таровати бир лаҳза эътиборингизни ўзига ром этади. Соя-салқинга ўрнатилган чорпоя, унинг ёнида ош ўчоғи, сал нарироқда бежирим спорт майдончаси... Бир сўз билан айтганда, бу ҳовли саранжом-сарштали келин ҳовлисини эслатади.

— Ота-онаси бағридан йироқда бўлган талабаларга бироз бўлса-да, имкон даражасида шароитни яхшилаш ҳаракатидамиз, — деди талабалар уйи бошлиғи Зиёдулла Шомуродов.

Ичкарига йўл оламиз. Кираверишингиздан дид билан жиҳозланган йўлакча бўйлаб юраркансиз, ҳеч бир нарсанинг камлиги ёки ортиқчалигини сезмайсиз. Ҳар қаватда ташкил этилган дам олиш хоналари чиройли мебеллар, ойнан жаҳон, радио, музлатгичлар билан таъминланган.

— Бир қарашда, буларнинг барчаси унчалик аҳамият касб этмаётгандек туюлади, — деди талабалар уйи тарбиячиси Қумри опа. — Бироқ ёшларни юксак дидли, фаросатли қилиб, гўзалликни қадрлай олишга ўргатишда бу каби нарсаларнинг таъсири беқиёс. Нафосатга ошуфта кўнгил эса зинҳор ёмонлик қилмайди.

Талабалар уйини тарк этарканман, хаёлимдан худди қадрдон хонадонимдан чиқиб кетаётгандек туйдим ўзимни...

Н. РИЗАЕВ.
Тошкент шаҳри.

ҲАМКАСБЛАР ИЖОДИ

МАШРАБ

Мажнун янглиғ ёрин излаб ўтди вафодор Машраб,
Ҳажр ўтида бағри кабоб, кўксида доғ, ёр Машраб.
Гоҳида ҳуд, гоҳи беҳуд дилрабосин ахтариб,
Ғамнок Қашқар даштин кезди Фурқатда абгор Машраб.
Офоқ ўзга иблис юлиб олгач қувонч-бахтини,
Шайтон эшон жабр зулмидан чекди озор, зор Машраб.
Чарх анга кажрафтор ўлиб, роҳи Кўҳистон бўлиб,
Хўтан, Кашмир ва Афғонда кўрди ранж-душвор Машраб.
Қаён борса андуҳ-алам, қайда бўлса ситаму оҳ,
Рўшнолик ўрнига дард, ғамга ғирифтор Машраб.
Зукколик-ла маддоҳ, дарвиш, ё зоҳид, ё қаландар,
Жўшиб бўзлаб сўйлар, куйлар, қўлда соз, сетор Машраб.
Билъакс шоҳ, хон, не оллоҳдан кўрмайин наф-илтифот.
Жаъми масжид — хонақоҳдан кечди айлаб ор Машраб,
Айшу ишрат, хирсу дунё илинжида саждагар,
Илм-фунунсиз фисқ-фужурдан тонди лак минг бор, Машраб
Оқибатда, «Бетавфиқу шаккок кофир замон:», — деб,
Жаллод Маҳмуд фатвоси-ла Балхда сарбадор Машраб.
Жасорат-ла ўлар чоқ ҳам раҳму шафқат сўрмайин,
Ўз бўйнига ўзи сиртмоқ солди мард-шунқор Машраб.
Ҳасанжон Мардлик саботни улуғ Машрабдан олди,
Мудом севги, эрк аҳлига қомус, ифтихор Машраб.

ТИЛИНГНИ ТИЙ

Сўз кўчи-ла йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,
Сўз бирла чиқар индан илон, аждар ҳам...

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Тилим бор деб бежо, бефайз сўз сўзлама, тилингни тий.
Бад таъм сўзни тилга олма, қўй, ўйлама, тилингни тий.
Тиғ қолдирган яра битар, тил яраси битмас, балким,
Қалбинг-ла дил тиғлама, боз қийнама, тилингни тий.
Бепарда ё беандиша бир калима бағринг эзар,
Сендан жондошинг тондирар, дағал дема, тилингни тий.
Нобоп ҳар сўз бошинг узра кулфату андуҳ ёғдирар,
Лабзинг, қалбинг покиза тут, кўк бўйлама, тилингни тий.
Лазиз забон онгни безар, заққумидан барча безор,
Соз ҳадис айт, носоздан қайт, кўп санама, тилингни тий.
Тил — бу санъат, кўрк — нафосат, илму ҳикматнинг манбаи,
Андиш жавоҳир тергину бас, айнима, тилингни тий.
Ким ўз тилин ҳурмат этмас, эл-юртда эътибор топмас,
Ҳасанжон, сен алар васфин ҳеч куйлама, тилингни тий.

ЧАҚИМЧИ

(Гап эгасини топади)

Инсон ичра нобакори чақимчи,
Иғвогарнинг шоҳ-тождори чақимчи.
Иш амали — «айтди», «деди» низламоқ,
«Ғийбат» куйни бастакори чақимчи!...
Яхшиликмас, ёмонликдан ярайди,
Сизни менга, мени сизга «қайрайди»,
Бойқуш каби овлоқ жойда сайрайди,
Муздан совуқ афт-ангари чақимчи!..
Тулки бўлиб киргач ёр-дўст сафига,
Қинғир қулоқ тутар гурунг-гапига,
Пайтни топиб айлантирар чапига,
Ёлғончилик бўйтумори чақимчи!..
Юзқаролик — мунофиқлик касб-кори,
Рост турганда тутар туҳмат ҳумори,
Чақимчилик шараф, фахр-ифтихори,
Фисқу фасод ижодкори чақимчи!
Нишона йўқ унда имон-виждондан,
Маккорликда ўзиб кетган шайтондан,
Заҳри баттар илон билан чаёндан,
Заҳрасидан, дил бедори чақимчи!
Ҳой чақимчи, эҳтиёт бўл, кўзинг оч,
Бугун — эрта сир-асроринг бўлмай фош,
Вақтинг кетмай, бахтинг катмай йўлдан қоч.
Айтдим сенга дилда борни, чақимчи...

Ҳасанжон МАДИЕР,
Уйчи райони.

ҲАШАР ҲАҚИДА ҚАТРАЛАР

Меҳнат — ошатар,
Ҳашар — яшнатар.

* * *

Ҳашар — элга ярашар,
Ҳимматлилар қарашар.

* * *

Ҳашар — елкадошлик рамзи,
Хайрихоҳлик тимсоли.

* * *

Омилкорлик боши — ҳашар,
Одамийлик нақши — ҳашар!

* * *

Ҳашар — элга қанот,
Эрга — қўш қомат!

Р. ЖУМАНИЁЗОВ
тўплаган.

Усмон (644 — 656-йиллар). Умавийлар уруғидан бўлган Усмон ибн Аффон учинчи халифа бўлди. Унинг сайланиши Пайғамбар билан яқин алоқада бўлганлар ҳамда йигирма йил илгари унга қарши турганларга мусулмонлар баравар қараганликларидан гувоҳлик беради. Усмон умумий муаммолар билан шуғулланиб уларни ўз шахсий ҳаётидан ҳам устун қўювчи тадбиркор инсон эди. Олижаноб, кўнгилчан, тўғри табиатли бу кишини ҳамма ҳурмат қиларди. У ишни жуда яхши бошлади. Абу Бакр даврида қўлга киритилиб, Умар ҳукмронлиги пайтида анча сусайиб кетган ютуқлар бир неча йилларгача қайтадан давом эттирилди. Мусулмон қўшинлари Мисрдан ғарброқдаги Триполитанияни қўлга киритдилар. Ҳарбий денгиз кучлари Византия билан бўлган курашда ғолиб чиқиб, Кипрни эгалладилар. Шом ва Ироқнинг шимолий чегараларида ҳамда форслар юртининг шимоли-шарқида бир неча кичикроқ тадбирлар амалга оширилди. Бироқ шундан кейин истило қилиш тўлқини тинчиб қолди. Мусулмонлар ҳурмати ошиб борди. Янги ерларни босиб олиш ва аҳолига тақсимлаб бериш билан машғул бўлган араблар энди бир оз ором топдилар. Осойишталик бемалол мунозара юритишга имкон яратди, бу эса эски мажусийларнинг ғояларини юзага чиқарди.

Нотинчлик. Битта энг муҳим масалани эслатиб ўтиш зарурдирки, у ҳам бўлса, араблар ўз мустақиллигини сақлаб қолганликларидир. Дастлаб араб давлати тўғрисидаги фикр ҳеч кимнинг ҳаёлида йўқ эди, халқ эса ҳеч қачон бирор олий раҳнамога бўйсуниб кўрмаган. Ислом арабларга бирлик туйғусини, янги дин, қардошлик ғоясини бахш этганида, улар буни қабул қилдилар, лекин ўша ғоялар ҳадеганда сингишиб кетавермади. Эски рақобатни, ишончсизликни ва бошқа қуйи табақаларнинг шубҳа-ҳадикларини ушлаб турган нарса янги эътиқод эҳтиросларини ва қўлга киритилган ютуқлар шуҳрати бўлди. Устивор раҳбар жонга оро кирди. Умарни ҳурматлашарди, қатто ундан қўрқишарди ҳам. Унинг давомчиси жуда муқаддас инсон бўлса-да, Умар даражасида куч-қудратга эга эмасди. У Қуръоннинг ўта адабий услубда баён этилган қоидаларига муайян тафсирлар бағишлади; обрўли лавозимларга ўз қариндошларидан ва, албатта, умавийлар уруғидан кишилар белгилашга ўтаркан, адолатли иш тутаяпман, деб ҳисобларди ва ўша одамлар ўз ўринларини топаётганликларига ишончи комил эди. Аммо бошқалар унинг фикрига қўшилмасдилар. Масалан, у Мисрни забт этган Амр ибн ал-Асни ҳокимликдан бўшатиб, ўрнига ўзининг кўкалдоши — бир кўкракдан сут эмишган акаси Абдуллоҳни тайинлади. Абдуллоҳ ўз вақтида неча марталаб Пайғамбарнинг дилини ҳуфтон қилган эди. Усмон, шунингдек, бир пайтлар сотқин бўлган Марван ибн ал-Ҳакамни ўзига котиб қилиб олди. Бу мисоллар ва бошқа мансабларга одамлар тайинлашлар катта безовталик уйғотди. Ишлар ёмонлаша борди, чунки Усмон анча қариб қолган эди. Марван эса юксак ҳокимиятга эга бўлиб олиб, тез орада халифа номидан ўзи буйруқлар чиқара бошлади.

Хуфёна битимлар ва қўзғолон. Тез орада манфаатдор ва маккор кишиларнинг кичикроқ гуруҳлари халифага қарши гап-сўзлар тарқата бошладилар. Бу арабларнинг аланга олишини жадаллаштиришга хизмат қилди. Шу даврдан эътиборан улар амалий ишга кўчдилар, ҳар қандай муаммога фақат бир нарса — Мадинада ўтирган Усмонни очиқдан-очиқ қоралаш нуқтаи назаридан муносабат билдирадиган бўлдилар. Талҳа ва Зубаир сингари сипоҳ маккаликлар халифани танқид қилиб чиқишиб, Расулуллоҳнинг беваси Ойшадан «мусулмонлар онаси» сифатида масалага аралашишни илтимос қилдилар. Лекин донишманд Ойша бундай қилишдан бош тортди. Улар Пайғамбарнинг қариндоши ҳошимийлар бошлиғи Алига ҳам мурожаат қилдилар. Бироқ Умар вафотидан кейин халифа бўлиши эҳтимол ҳисобланган олтита номзод орасида иккинчи ўринда эканлиги сабабли у ўз муносабатини билдириши, нима қилиш мумкину ва нима мумкин эмаслигини халифага уқтириши ноқулайлигини биларди. Бунинг устига навбатдаги сайловда унинг халифаликка биринчи номзод бўлиб қолиши ҳам ажаб эмасди. Анъанага кўра, араблар ёш халифа сайлашга қарор ҳам қилиб қўйгандилар. Шунга қарамасдан, эллик ёшга кирган Али ишга бош қўшишдан ҳайиқиброқ турди. Чунки Усмон, Али ўзини мендан устун қўймоқда, деб ўйлаши мумкин эди. У бир неча бор халифа билан суҳбатда бўлди, бироқ саксон ёшдан ошган Усмон уни, на бошқа бирор кишини тинглашни хоҳламасди.

Усмоннинг ўлдирилиши. Тахтдан туширилган Амр ибн ал-Ас Мадинага қайтмади, лекин унинг кўпгина маслакдошлари — кекса аскарлар Пайғамбар шаҳрига келиб олишган эдилар. Бу ерга Кўфадан бошқа янада қизиққонроқ кишилар етиб келишди. Жангларда чиниққан лашкарбоши Малик ал-Аштар ва исёнчиларнинг яна бир саркори Муҳаммад ибн Абу Бакр энди ҳаддидан оша бошладилар. Вазият шу даражада хатарли тус олдики, Талҳа Зубир ҳам четга чиқиб қолдилар. Али ўз ўғиллари (Пайғамбарнинг набиралари) учун ҳам хавотирлана бошлади. У ал-Ҳасан ва ал-Ҳусанни мадиналик аслзодаларнинг ўғилларига қўшиб Усмон саройига дарвоза соқчилигига юборди. Аммо исёнчилар бу ботирларнинг вақтинча йўқ бўлганликларидан фойдаланиб, орқа томондан Усмоннинг уйига бостириб кирдилар ва Қуръон мутолаа қилиб ўтирганида устида уни ўлдирдилар. Муқаддас китоб саҳифаларига унинг қони тўкилди.

Али (656 — 661-йиллар). Бўлиб ўтган воқеага қарши шундай овоза кўтарилдики, бундан қабиҳ фожиа ижрочиларининг ўзлари ҳам даҳшатга тушдилар. Ҳатто Усмоннинг душманлари ҳам лол қолишди. Бироқ аҳвол бундай давом этиши мумкин эмасди, мусулмон оламидаги тартибсизликларга барҳам бериш учун кимдир ишларни ўз қўлига олиши зарур эди. Халифаликка энг муносиб бир киши ана шу улкан давлатнинг барча ташвишларини ўз зиммасига олмоғи лозим, деган фикр дастлаб эътироз уйғотмади. Абу Толибнинг ўғли Алининг номзоди бир овоздан маъқулланди. Тўғри, сўз. Али сиёсий найрангларни билмасди. У соф ҳақиқатни кўрар ва ўз бурчини тушунар эди. Халифаликни бутун мусулмон дунёсининг ишончи деб биларди ва шу жиҳатдан ҳам хатти-ҳаракатлари учун ўзини фақат Оллоҳ таоло олдида эмас, балки барча мўмин мусулмонлар олдида ҳам жавобгар деб ҳисобларди. Бинобарин, ёвузлик устидан ва нияти бузуқ гуруҳга етакчилик қилиши мумкин бўлганлар устидан ҳар қандай ғалабани адолат деб санарди. Албатта, уларнинг кимлиги ҳали унча маълум эмасди, лекин қуйидагилар хавф-ҳатар манбаи бўла олиш эҳтимолдан ҳоли эмаслигини кўрсатувчи белгилар пайдо бўла бошлаган эди:

а) умавийлар уруғининг машҳур аъзоси қотил бўлса, ажаб эмас; уларнинг раҳбари Муовия 60 йилдан кўпроқ Шом ва Фаластинга ҳоким бўлган;

б) Талҳа ва Зубаир сингари таниқли мадиналиклар — катта обрўга эга бошчилар, Усмон жорий қилган айирмачиликни қаттиқ қоралаган донишманд қариялар;

в) муҳожирлар, сиёсий ҳийла-найранглардан нафратланадиган ва Оллоҳ таолонинг хатга битилган ҳақиқий таълимоти бўлмиш Қуръон ғоялари асосида яшашни хоҳловчи улуғсифат аслзодалар уюшмаси.

Мадина ва Шомдаги кўтарилишлар. Шундай бўлиб чиқдики, бу омилларнинг бири эмас, уччаласи бирданига катта хавфга айланди. Пайғамбарга шу қадар яқин бўлган буюк жангчи, доно маслаҳатчи, беназир инсон Али бошига мислсиз бахтсизлик ёғилди: у халифалик қилган қисқа даврда уруш ва қулфатлардан бошқа ҳеч нарса кўрмади. Ташвишларга асосан унинг ўз пойтахтини марказроқ жойга кўчириш тўғрисидаги қарори дебоча бўлди. Чиндан ҳам, бу доно қарор эди, лекин унинг натижаси жуда хунук бўлиб чиқди. Али Ироқдан арабларнинг янги шаҳри Куфага кўчаётиб, барча норози унсурларни Мадинада қолдирган эди.

(Давоми бор).

(Боши рўзномаминг ўтган сонларида).

(Боши 2-бетда).

— Ота-боболаримиз гапни гапир уққанга, дейишади. Сўз бериш у ёқда турсин, оғиз очиргани қўйишмади-ку, мени ўшанда. Ҳаманинг кўзи биринчи котибда. Нима деса, тўғрими-нотўғрими, баб-баравар маъқуллашарди. Улар билан тортишиб юришни «ҳайф» билдим. Қўл остидаги кадрлар ишига нотўғри баҳо беришга виждони йўл қўйган раҳбар билан олишганимдан нима обрў топардим, — деди Мадатбой жиндек қизишиб. — Аслида-ку, деҳқончилик қилсам, куним ҳозирдагидан яхшироқ ўтарди. Машинани ҳам қовуннинг пулига олганман. Мана энди мактаб ишига хизмат қилаяпти.

Мадатбой директорлик қилаётган мактабнинг эски биносида кўрганларимиз 1987 йилда «Мадатбойга мадат керак» фельетонининг ёзилишига сабаб бўлди.

— Фельетоннинг чиқиши, — деди Мадатбой Ғаниев 1992 йил арафасида учрашиб қолганимизда, — темирнинг қизиғида сув берилгандек бўлди. Қорақалпоғистон бўйича мактаблар қурилишига ғов бўлиб ётган катта амалдор И. И. Чернаштаннинг ковуши тўғриланганидан кейин ишларимиз юришиб кетди. 1988 йил сентябрида тўрт юз ўн етти ўринли янги мактаб биноси ишга тушди.

Мадатбойнинг чеҳрасида ҳамон ўша сокинлик, ўша ўйчанлик ҳукмрон эди. Мактаб биноси атрофидаги боғни бирга айландик. Бу ерда етти гектарлик боғ ташкил этилиб, олма, узум, шафтоли каби мевали кўчатлар экилганди. Мана, энди ҳатто дастлабки ҳосил ҳам олинибди. Ундан тушган даромад кўп болали оилалар фарзандларига, мактаб ошхонасига сарфланибди. Ҳозирда мактаб қўрасида қўйлар, паррандахонасида куркалар боқилаяпти. Икки юз квадрат метр иссиқхонанинг шакл-шамойили тиклаб қўйилганди. У ерда лимонарий ташкил этишмоқчи экан.

— Бунақада мактабингиз бойиб кетади-ю, пулни қаёққа қўясизлар? — сўрадик ундан ҳазиломуз.

— Мактабга, ўқувчилар эҳтиёжига сарфлаймиз, — деди Мадатбой. — Шу маҳалгача биз алдагани бола яхши деб туриб, уларга сариқ чақа бермай, қулдек ишлатдик. Сал айбимиз очилиб қолувдики, «Меҳнат-роҳат» оромгоҳларини ўйлаб чиқардик. У ерда ҳам болалар роҳат нималигини билмай меҳнатини қилаверишди. Ҳатто биз уларни шунга яраша едириб-ичирганимиз, рағбатлантирганимиз йўқ...

Биз болаларни мактабда меҳнатга ўргатиш мақсадида шу боғни ташкил этдик. Роҳатини ҳам уларнинг ўзлари кўрадилар. Ахир фидойилик ўз меҳнати самарасини кўришдан бошланади-да.

Мадатбойнинг оғзидан «фидойилик» сўзини биринчи марта эшитаётган бўлсак-да, унинг туриш-турмуши фидойиликдан иборат эканини билиб олган эдик. Айтишича, мактаб боғидаги хўжаликдан келаётган даромад кўпайса, аълочи ўқувчиларга стипендия ҳам берилади.

Мактаб биноси эшиги рўпарасидаги икки томони гулзор йўлкадан ўтиб, ичкарига кирдик. Бинони шу замоннинг ажойиб бир қасри дейиш мумкин эди. Қорақалпоғистону Ўзбекистон жумҳуриятларини кезиб, бундай мактаб биносига дуч келмаган эдик.

— Лойиҳасини қаердан олдинглар буни? — сўрадик Мадатбойдан. Кейин ҳазил қилдик: — Ё ўзингиз чиздингизми?

— Чизмасам-да, ўзгартиришлар киритдим, — деди у самимийлик билан. — Москваликлар учун яратилган экан бу. Қиммат бўлгани учун бизда қурилмасди...

Қўш қаватли бино хоналарини бирма-бир айланиб чиқишимизга ярим кун вақт кетди. Очиғини айтганда, айрим хоналарда техника ва жиҳозларни таърифлашга унча-мунча ўқитмишли одамнинг билими ожизлик қиларди. Бу ерда барча ўқув ва кўргазмали қуроллар билан тўла таъминланган методик бўлинмалар, кенг ва ёруғ ўқув хоналари мавжуд эди. Икки лингафон, икки ЭҲМ синфхонасида машғулот ўтказиларди. Ойнаи жаҳон, магнитофон, турли прожекторлар, радиоузел, фильмоскоп, АЛЭТИ, заррабин, ПЕЛИНГ, ВЯТЗ, лектор — 200, 600, 2000 турдаги аппаратлар ишлатиларди. Кимё, математика фанларидан машғулот ўтказилиши учун барча имкониятлар етарли эди. Мактабда ўқитувчиларнинг режа тузишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун алоҳида хоналар ажратилган. Ҳатто фаррошлар дам оладиган хоналаригача мавжуд бўлиб, у ерда барча қулайликлар яратилганди.

Кўрсатгичлар ҳам мактаб шаънига ярашарди. Бу ерда 30 ўқитувчидан 21 нафари олий маълумотли, 14 нафари турли тоифага эга ўқитувчилар эди. Ўқувчилар математика, жисмоний тарбия бўйича жумҳурият кўригида биринчи ўринни эгаллашганди. Ободонлаштириш, янги ўқув йилига тайёргарлик, бинони безаш бўйича ҳам мукофот олишибди. Бу ишларда директорнинг хизматлари катта эди, албатта.

Ҳозирда Мадатбойнинг шахсий ташаббуси билан Ўзбекистон жумҳуриятида биринчи бўлиб ўқувчилар «А» «Б» синфларига билимига қараб ажратиладиган бўлди. Бу янгликни у шундай изоҳлаб берди.

— Бу ташаббусни бешинчи синфдан бошладик. «А» синфга дарсларни яхши ўзлаштирувчилар ўтказилади. Қолганлари «Б»-синфда ўқишади. Бу синфдаги ўқувчилар дарсларни яхшироқ ўзлаштиришлари учун қўшимча чора-тадбирлар белгиланади. Кейинги йил эса «Б» синфини муваффақият билан тугатганлар «А» синфига ўтказилиб, у ердаги яхши ўзлаштира олмаганлар «Б» синфида ўқийди. Умуман, бу усулнинг натижаси ёмон бўлмаяпти.

— Шунча ишларни амалга оширибсиз, меҳнатингизга яраша тақдирландингизми? — деб сўрадик ундан.

— Инсон мукофот учун ишламайди-ку, — деди у ўзига хос камтарлик билан. — Ўқувчилар учун қилган меҳнатим самараси ҳар қандай унвондан афзал эмасми?

Бу сўзлар замирида чиндан ҳам ҳақиқат ётарди. Ҳақиқатан ҳам ўз касбини, одамларни чин дилдан ҳурмат қилганлар мукофот учун интилмайдилар. Катта-катта унвонлар, турли орден-медаллар соҳиби бўлиб олиб, ишни барбод этиб, малакали кадрларни, халқни ўйламайдиган «раҳбарлар» озмунчами!

— Қани энди, — деди Мадатбой сўзини давом эттириб, — мактаб ўқувчилари барча шароит, ўқув қуроллари билан таъминланса. Касб танлаш, ашула бўйича дарсликлар етишмайди. Қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида техникалар бекор ётибди. Мактабларга эса бир дона ҳам берилмайди. Умуман, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг ҳам кераги йўқ. У ерда болаларнинг вақтлари бекорга ўтаяпти. Мана бизда ўн дона «Чайка» тикув машинаси чанг босиб ётипти. Қани энди битта штат берилса-ю, ўз мактабимиздан чеварлар етиштириб чиқарсак.

Биз Мадатбой Ғаниев билан хайрлашар эканмиз, унинг кўзларига яна бир бор тикилдик. Унда самимийлик билан бирга қатъийлик фидойилик ҳам мавжуд эди. Ана шу қатъийлик, унинг иродасини букилишига йўл бермаганди. Шунинг учун ҳам биз уни «фидойилик мактаби»нинг директори дейишга аҳд қилдик.

Тўрамурод ЮСУПОВ,
Мурод ПАРПИХУЖАЕВ.
Қорақалпоғистон Республикаси.

ФИДОЙИЛИК МАКТАБИ

ҚЎЛБОЛА ҚЎЛЛАНМАЛАР

Наманган ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси мактабларга услубий кўмак кўрсатиш, илғор тажрибаларни кенг жорий қилишнинг ранг-баранг йўлларини қидириб топмоқдалар.

Яқинда «Меҳнат — маҳорат калити» номли адабиёт муаллимларига ёрдам сифатида услубий китобча нашр этилди. Унда Учқўрғон ноҳиясидаги 12-мактаб тил-адабиёт муаллими Одилжон Ўринбоевнинг «Конференция дарси — ўқувчилар ижодкорлигини ошириш омили», Тўрақўрғон ноҳиясидаги 12-мактаб муаллимаси Роҳила Абдураҳмонованинг «Семинар дарс — синфнинг жамоа иш шаклларидан бири», Задарё ноҳиясидаги 17-мактаб муаллими Комилжон Маматовнинг «Ўзбек хотин-қизларига» шеърини қиёсий ўрганиш» мавзуларида мақолалар ўрин олган.

Изланишлар мактабларда дарсларни бугунги кун талабларида ташкил этишда қўл келмоқда.

Муҳаммад СОДИҚ,
мухбиримиз.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Акмал Икромов райони халқ таълими бўлими касаба уюшмаси ҳамда 283-мактаб жамоаси мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор муовини Турғун Солижон ўғли КОМИЛОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, касаба уюшмаси Марказий Халқ таълими ва фан ходимлари Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
№ Г — 240. ИНДЕКС: 64595. Босмага топшириш вақти 20.00. Босмага топширилди 18.30 Тиражи 10601.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12